

Islom

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ойлик ижтимоий-маърифий
электрон журнал
ХИЛОЛ 2-сон.
2013-1435 йил, сафар



БУ ҲАҚДА ҲЕЧ ЎЙЛАБ КЎРГАНМИСИЗ?

Инсон ўз ҳаёти давомида нималар билан шуғулланиб, вақтини нималарга сарфлайди? Эринмаган франсуз олимлари шуни ҳам ҳисоблаб чиқишибди. Уларнинг маълумотларига кўра, етмиш йил яшаган ўртача овруполик бутун умрининг 30 йилини оёқда тик туриб, 23 йилини ётиб, 17 йилини ўтириб (турмада эмас, бирор нарсада), 16 йилини юриб ўтказар экан. Яна у 8–9 йилни ишхонада ишлашга, 6–7 йилини овқатланишга, ишхонасининг узоқ-яқинлигига қараб 3–6 йилини транспортда юришга, 2 йилини суҳбатлашишга, 6 йилини телевизор кўришга, 560 кеча-кундузни овқат тайёрлашга, 945 кунни бетобликка, 305 кеча-кундузни турли анкеталар тўлғазишга, 250 кеча-кундузни китоб, газет, журнал ўқишга, 180 кеча-кундузни телефонда гаплашишга «қурбон қилиб» юборар экан.

Яна бир қизиқ далил: кийинишга эркаклар – 117, аёллар – 531 кеча-кундуз сарфлашади. Аёллар 140 кеча-кундуз (сутка)ни навбатда туришга, эркаклар эса шунча вақтни соқол олишга ишлатишади. Ванна, душ қилишга эркаклар 117 сутка, аёллар эса 531 сутка вақт кетказишади. Яна овруполикларнинг 110 суткаси эр-хотинликка, 50 суткаси йиғлашга, 623 куни қилишга кетаркан. Шунақа қилиб, шоир айтганидай умринг тугаганини ҳам сезмай қоларкансан.

Агар инсон етмиш йил умр кўрса, бу 25 минг кун бўлади. Шундан 8000 куни – уйқуга, 1500 куни – овқатланишга, 1000 куни – транспортда юришга, 9000 куни иш ва ўқишга сарflanса, 900 кун меҳнат таътилига кетаркан.


Булар-ку майли, чунки инсон дунё ҳаётидаги умрини яшаш учун ана шу эҳтиёжларга вақт сарфлашга мажбур. Мени бошқа бир нарса ўйлантиради. Аллоҳ таолонинг инсонни яратишдан асл муроди шу эдики, бандалар Унинг Ўзига ибодат қилишлари, Унинг амрларини адо этиб, розилигини топишлари керак эди. Бутун умрини деярли ўзининг манфаат ва ташвишларига харжлаб юбуровчи инсон яратган Парвардигорининг буюрганларини бажаришга қанча вақт қолдираркину қаердан вақт топаркин? Айниқса ҳозирга келиб инсон вақтини совуришда исрофгарларнинг исрофгарига айланган бир шароитда бандалик қилишга фурсат топа олармикин?

Бир китобда ушбу жумлаларни ўқиган эдим: «Фалак ва Ер тиним билмай айланар экан, инсонлар ҳолати ҳам енгиллик ва қийинчилик, бойлик ва камбағаллик, саломатлик ва хасталик, хурсандчилик ва маҳзунлик, машаққат ва роҳат орасида айланавера-

ди. Ушбулар оқил кишиларга бир дарс, қалби борларга панду насиҳат, кўзи очикларга ибратдир. Аммо ақл эгалари тафаккурдан, қалб соҳиблари шуурдан, кўз эгалари ибрат назаридан маҳрум бўлсалар, улар учун кеча ва кундузнинг алмашинуви ҳеч қандай маъно касб этмайди».

Ўтган вақт асло ортга қайтмайди, бир-бири билан алмашмайди ҳам. Агар бир ишни, юмушни режаланган бўлсангизу вақтида қила олмасангиз, демак бугунингизни бой бердингиз. Жуда кўп кексаларни кўрдик: «эссизгина умр-а, ёшлик йилларимни фойдали машғулотларга сарфламай, савобли, хайрли ишларни қилмай ўтказиб юборибман», деб афсус-нолага ғарқ бўлган. Жуда кўп инсонларни кўрдик: «қанийди умр бошқатдан берилганида манави хатоларимни, гуноҳларимни такрорламаган бўлар эдим», дея надомат оҳларига ўралашган. Айни пайтда жуда кўп ёшларни кўрдик: «ҳозир ёшман, вақт борида ўйнаб-қулиб қолай, ҳали олдинда қанча йиллар бор-ку», дея бепарволик булоқларидан сув ичиб юрган. Қанча инсонларни кўрдик: «ҳозир мол-дунё топиб олай, муҳташам уйлар қуриб олай, савобли ишларни нафақага чиққанда қиларман», дея ғафлат дарёсида сузган.

Вақтининг қадрига етмаганлар, уни беҳуда совурганлар вақтнинг ёлланма қотилларидир. Дунёнинг бир еридаги кишилар ҳар бир дақиқасининг ҳисобини юритиб, дунё ҳаётида хайрли, эзгу ишларга кўпроқ улгуриб қолишга тиришиб ётган бир пайтда дунёнинг бошқа бир бурчида кимлардир уни ҳавога совуриш, ҳар кунини қатл қилиш билан овора. Мол-дунёсини совурган одамни кечирса бўлар, аммо вақтини совурган кимсани асло кечириб бўлмас. Молини исроф қилган кишидан кўра бебаҳо вақтини исроф қилган киши жазога лойиқроқдир.



УЧ МУҲИМ МАСАЛА

وَلَيْسَتَعْفِیَ الَّذِينَ لَا يَجِدُونَ نِكَاحًا حَتَّى يُغْنِيَهُمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَالَّذِينَ يَبْتَغُونَ الْكِتَابَ
مِمَّا مَلَكَتْ أَيْمَانُكُمْ فَكَاتِبُوهُمْ إِنْ عَلِمْتُمْ فِيهِمْ خَيْرًا وَءَاتُوهُمْ مِّنْ مَّالِ اللَّهِ الَّذِي
ءَاتَاكُمْ وَلَا تُكْرِهُوا فَتِيَّتَكُمْ عَلَى الْإِغَاءِ إِنْ أَرَدْتُمْ تَحَصُّنًا لِّبُتْغَاوُا عَرْضَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَمَنْ
يُكْرِهْهُنَّ فَإِنَّ اللَّهَ مِنْ بَعْدِ إِكْرَاهِهِنَّ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٣٣﴾

Никоҳ(имкони)ни топа олмаганлар, то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунича, ифбатларини сақласинлар. Қўлларингизда мулк бўлганлардан (озодлик) васиқасини истайдиганлари бўлса, бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила васиқа ёзинг ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг. Дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни фоҳишалikka мажбур қилманг. Ким уларни мажбур қилган бўлса, бас, албатта, Аллоҳ улар мажбур қилганларидан кейин ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир (Нур сураси, 33-оят).

Ушбу ояти каримада учта муҳим масала – никоҳга қодир бўлмаганлар нима қилишлари лозимлиги, озод бўлишни истаб, ўз хожаси билан шартнома тузган, маълум маблағ эвазига озод бўлишга ҳаракат қилаётган қулу чўриларнинг тақдири ва фоҳишабозликка, яъни баъзи аёлларни зинога мажбурлаб, пул топишга уриниш масалалари муолажа этилмоқда.

Аввалги оятда мусулмон жамиятида никоҳсиз кишилар қолмаслиги, ҳатто қул ва чўриларнинг ҳам никоҳда бўлишларига эришиш учун ҳаракат қилиш лозимлиги, фақирлик – камбағаллик ва шунга ўхшаш камчиликларни баҳона қилиб, никоҳдан қочиш дуруст эмаслиги баён қилинган эди. Ушбу оятда эса уриниш ва ҳаракатлар билан ҳам никоҳли бўлиш имконини топа олмаганлар нима қилишлари лозимлиги баён этилмоқда.

«Никоҳ(имкони)ни топа олмаганлар, то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунича, ифбатларини сақласинлар». Никоҳга имкон топа олмаяпман, деб ҳаром йўлга юриб кетмасинлар. Ҳалолга имкон топа олмаганлар учун ҳаромдан ифбатларини сақлашнинг энг яхши йўлини эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кўрсатиб берганлар.

Имом Бухорий ва имом Муслимлар Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин, чунки у (уйланиш) кўзнинг тийилиши ва фаржнинг по-

клигидир. Ким қодир бўлмаса, унга рўза лозим, чунки у (рўза) унинг учун бичилишдир», деганлар. Яъни бу «Рўза тутиб юрса, шаҳвати кўзиши камаяди, ифбатини сақлаш осонлашади», деганларидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида никоҳга қодир бўла олмаганларни Аллоҳ таоло Ўз фазлидан бой қилиб қўйиши, уйланиб, ифбатини сақламоқчи бўлган шахсга ёрдам бериш ниҳоятда савобли иш экани очиқ-ойдин айтилган. Хожаси билан шартнома тузиб, озод бўлиш учун васиқадаги маблағни топиб беришга уринаётган қулга ёрдам қилиш мужоҳид ғозийга ёрдам кўрсатиш билан баробардир.

Қўлларга оид ҳукмлар оятнинг давомида баён қилинади. «Қўлларингизда мулк бўлганлардан (озодлик) васиқасини истайдиганлари бўлса, бас, уларда яхшилик борлигини билсангиз, улар ила васиқа ёзинг ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг». Исломи дини келганда, дунёда қулчилик авжига чиққан эди. Исломи қулчиликка қарши биринчи бўлиб бош кўтарди. Инсонлар озод бўлишлари учун у барча чораларни кўрди. Турли йўللار билан мусулмонларни қул озод қилишга даъват этди. Ким бир қулни озод этса, дўзахдан паноҳ топишини эълон қилди. Каффороти учун, гуноҳни ювиш учун қул озод этишни, ўзида бўлмаса, сотиб олиб, озод этишни шарт қилиб қўйди. Яна бошқа кўпгина чораларни кўрди. Ўша чоралардан бири ушбу оятда зикр қилинаётган мукотаба деган амалдир. «Мукотаба» сўзи луғатда «икки томонлама ёзиш» деган маънони англатади. Шаръий истилоҳда эса қул ёки чўрининг маълум бир маблағ ёки хизмат эвазига озодликка эришиш ҳақида ўз хожаси билан тузган шартномасига айтилади. Бу ҳам қулчиликка қарши курашишнинг бир йўли, қул ва чўриларнинг озодликка эришишлари учун яратилган бир шароитдир. Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга Қуръони Карим орқали хитоб қилиб, агар уларнинг қул ва чўриларидан қай бири озодликка чиқиш учун шартнома тузишни истаса, улар билан ўша шартномани тузишга амр этмоқда.

«Бас, уларда яхшилиқ борлигини билсангиз...» дегани «ўша мукотаба қилишни истаган қул ёки чўриларингизга шу ишда яхшилиқ бўлишини, улар аҳли солиҳ эканини, озод бўлганларидан кейин ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам наф етишини билсангиз» деганидир.

Демак, хожа қули билан маълум миқдор мол топиб ёки бирон ишни қилиб бериш эвазига унинг озод этилиши ҳақида шартнома тузиб, ёзиб қўяди. Мана шу «мукотаба» дейилади. Шундан сўнг икки томон ҳам шартномага амал қилиши лозим бўлади. Қул пулни топиб бериши учун ҳеч ким унинг йўлига тўсиқ бўлмаслиги лозим. Шунда у озодликка эришади. Хожа эса шартнома асосида қулга шароит яратиб бериши керак. Қул келишилган молни ёки хизматни адо этиши билан озод бўлади, хожанинг унда ҳаққи қолмайди.

Агар хожалар Аллоҳ таолонинг ушбу оятдаги «ва Аллоҳнинг сизга берган молидан уларга беринг» деган амрига бўйсуниб, келишилган маблағдан бир қисмини кечиб юборсалар, яна ҳам яхши бўлади. Уламоларимиз «Бу амр ҳам хожаларга, ҳам мусулмонлар оммасига қаратилган, шартномада келишилган маблағни топиш учун мукотаба қилган қулга ҳам хожаси, ҳам бошқа мусулмонлар молиявий ёрдам беришлари керак», дейдилар.

Маълумки, закотнинг ҳақдорларидан бири ҳам айнан шу қуллардир. Яъни закотдан маълум бир қисмини қул озод қилиш учун сарфлаш Қуръони Каримда тайин этилгандир. Ислом қул озод этишни энг улкан ибодат ва Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишнинг энг самарали воситаси даражасига кўтарди.

Имом Байҳақий Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Бир аъробий (сахролик араб) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: “Мени жаннатга киритадиган амални ўргатинг”, деди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Батаҳқиқ, қисқа гап билан масалани рўй-рост қўйдинг. Аҳолини озод қил, (қулнинг) бўйнидан (кишанни) еч”, дедилар. У: “Иккови бир иш эмасми?” деб сўради. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Йўқ, аҳолини озод қилиш – фақат ўзинг озод қилишинг, (қулнинг) бўйнидан (кишанни) ечишинг эса баҳосини тўлашга ёрдам беришингдир. Шунингдек, туя ёки қўйни уларнинг сутидан фойдаланиш учун бировга берадиган бўлсанг, сути кўп вақтида бер. Сенга зулм қилган қариндошинга яхшилиқ кўрсат. Агар қодир бўлмасанг, тилингни яхши гапдан бошқасидан тий”, дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифдан кўришиб турибдики, кишини жаннатга киритадиган ишларнинг бошида қул озод қилиш ёки қулнинг озод бўлишига молиявий ёрдам бериш турибди. Шунингдек, Ислом ҳукуматида ҳам байтул молдан қул озод қилиш учун ҳисса ажратиш тавсия этилган.

Уламоларимизнинг тасдиқларига кўра, қадимда қуллар уч тоифа бўлганлар:

1. Урушда асир тушиб, қул бўлганлар.
2. Ҳур бўлса ҳам, куч билан қул қилиб олинганлар.

3. Ота-боболаридан буён қул бўлиб келаётганлар.

Ислом дини келган пайтда дунёдаги ижтимоий ва иқтисодий низомларнинг барчасида қулчилик асосий омиллардан бири ҳисобланар, ҳамма бу нарсани оддий бир ҳолат деб билар эди. Ислом одамлар ўрганиб қолган ароқхўрлик, зино, рибохўрлик сингари ижтимоий касалликларни даражама-даража даволаб, йўқотганидек, қулчилик муносабатларини ҳам аста-секин муолажа қилди. Чунки бунга ўхшаш масалаларда шошма-шошарлик фойда бермаслиги аниқ. Ислом қулчиликка қарши режали равишда тадрижий кураш бошлади. Олдин инсонларга бир-бирларини қул қилишлари яхши эмаслиги тушунтирилди. Сўнгра эса қул озод қилиш савоб иш экани, охиратда нажотга, гуноҳларнинг ювилишига сабаб бўлиши оят ва ҳадислар орқали баён этилди. Сўнгра закот, каффорот каби ибодатларга қул озод қилиш ҳам киритилди. Энг аҳамиятлиси, бу ишлар қуруқ гап бўлиб қолмади. Балки амалда қарор топди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари олтмиш учта қул озод қилганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутаҳҳараларидан бири Оиша онамиз розияллоҳу анҳо олтмиш етти та қул озод этганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб етмишта, саҳобаларидан Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳу юзта, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу мингта, Зул Кулоъ Ҳумайрий розияллоҳу анҳу саккиз мингта, Абдуллаҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳу ўттиз мингта қулни озод қилганлар. Ҳазрати Абу Бакр ва ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳулар томонидан озод қилинган қуллар ниҳоятда кўплигидан, тарихчиларимиз уларнинг сонини аниқлай олишмаган ҳам. Бу амал мусулмонлар орасида кенг тарқалди. Эски қулларни озод қилиш йўлга қўйилди. Шу билан бирга, Ислом ҳур одамларни қул қилишни тақиқлади.

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги сўзлари келтирилган: «Аллоҳ таоло дейди: «Мен қиёмат куни уч хил одамнинг хусуматчиси бўламан. Мен кимнинг хусуматчиси бўлсам, уни енгаман. Бир одамники, номим ила бир нарса берилса-ю, у хиёнат қилса; бир одамники, ҳур инсонни сотиб, баҳосини еса; ва яна бир одамники, мардикор олиб, уни ишлатиб, ҳақини бермаса».

Ушбу ҳукмдан истисно тариқасида урушда қўлга тушган асирларнигина қул қилишга изн берилди. Бу эса ўша вақтдаги жорий ҳолат бўйича берилган изн эди. Оятнинг давомида яна бир даҳшатли ижтимоий касаллик – танфурушлик, хусусан, қул бўлган аёлларни танфурушликка зўрлаш орқали бойлик орттириш илллати муолажа қилинади.

«Дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истаб, покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни фоҳишаликка мажбур қилманг». Оятда «қизларингизни» дейилган. Бундан мурод «чўриларингизни» демақдир. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Қўлингиз ости-

да бўлган биродарларингизни «кулим» ёки «чўрим» деманглар, балки «ғуломим» ва «қизим» денглар», деган маънода ҳадис ҳам ривоят қилинган. Бу ҳам қўлчиликка қарши олиб борилган ҳаракатнинг бир туридир. Чунки ўша пайтда баъзи одамлар чўриларни танфурушлик қилиб, пул-мол топиб келишга мажбур этишар эди. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул шундай одамлардан бири эди. Ушбу ояти кариманинг нозил бўлишига ҳам ўша мунофиқнинг чўриларида бири – Муъоза исмли жориянинг арз қилиб келиши сабаб бўлган.

Машҳур тафсирчи Суддий бу ҳақда қуйидагиларни айтадилар: «Ушбу оят мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул ҳақида нозил бўлгандир. Унинг Муъоза исмли жорияси бор эди. Уйига меҳмон келса, меҳмондан бирор нарса ундириш мақсадида жориясини унга қўшиб берар эди. Жория Абу Бакр розияллоҳу анхунинг олдига келиб, бу ҳақда шикоят қилди. Шундак Абу Бакр розияллоҳу анху бу ишни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам унга жорияни ўз ҳузурида олиб қолишни амр қилдилар. Шунда Абдуллоҳ ибн Убай: «Мухаммаддан (қутулишга) менга ким ёрдам беради? Жорияларимизга ҳам эга чиқмоқда!» деб бақариб-чақира бошлади. Шунда Аллоҳ таоло ушбу оятни нозил қилди».

Бошқа ривоятларда Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг бошқа жориялари ҳам борлиги, уларни танфурушликка мажбур этгани зикр қилинган. Оятдаги «Дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истаб...» деган жумлада, агар дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истамаса, чўри қизларини фахш ишга мажбур қилса бўлаверар экан-да, деган фикрга умуман йўл йўқ. Зеро, Аллоҳ фахш ишларнинг ҳар қандай кўринишини буткул ман этган. Бу ерда эса, хусусан, хожа ўзининг чўри қизларини пул орттириш учун танфурушликка мажбур қилиши ҳаромлиги ҳақида сўз кетмоқда.

Шунингдек, «...покликни ирода қилган (чўри) қизларингизни...» жумласидан, нопкликни ирода қилган чўри қизларни танфурушликка мажбур қилса бўлаверар экан, деган фикр келиб чиқмайди. Маълумки, қиз ўз ихтиёри билан танфурушлик қилса, гуноҳи ўзига бўлади. Лекин бу ўринда агар чўри қиз фоҳишаликни ихтиёр қилмаса-ю, хожаси уни мажбур этса, бу гуноҳ – жиноят учун қонун олдига жавоб бериш хожанинг бўйнига тушиши ҳақида гап кетмоқда.

Араб ўлкаларида ушбу ояти карималар нозил бўлган пайтда танфурушлик, фоҳишабозлик икки хил бўлган. Биринчиси – никоҳ кўринишидаги танфурушлик. Шу ишни хоҳлаган аёл бир уйни ўзига маскан қилиб олар ва унинг олдига маълум одамлар кириб-чиқиб юрар эди. Улар аёлга нафақа бериб, шаҳватларини қондиришарди. Агар аёл туғиб қолса, ўша эркакларнинг ҳаммасини тўплатиб келар ва уларга «Орамиздаги гапдан ўзингиз хабардорсиз, мана мен туғдим, бу сенинг боланг, эй Фалончи», деб эркаклардан бирининг исмини айтар эди. Шу билан

бола ўша эркакники бўлиб қолар эди.

Иккинчиси эса умумий танфурушлик эди. Бу ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади. Бири – хожалар чўри қизларга ҳар ойда маълум бир катта маблағ топиб келишни буюришар эди. Улар эса бу маблағни танфурушлик қилиб топарди. Иккинчиси – одамлар ёш қизларни махсус уйларга жойлаштириб, устига байроқ илиб қўяр эдилар. У ерга ким хоҳласа, кириб, пулини тўлаб, зино қилиб чиқар эди. Кўп одамларнинг шундай уйлари бор эди. Мунофиқларнинг бошлиғи, Оиша онамизга бўҳтон тоши отишга журъат этган Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салулнинг ҳам олти нафар ёш, чиройли чўрилари бўлиб, у уларни зинога мажбур қилар, дунёнинг матоҳига кўпроқ эришишни истарди. Ўша олти чўридан бири Муъозанинг арз қилиб боргани ва бошқа ҳодисалар юқорида келтирилди.

Ислом дини бу фахш ишларнинг барчасини ҳаром қилди. Ушбу оят нозил бўлганидан кейин, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чўрилар зиносидан топиладиган молни ҳаром деб эълон қилдилар. Баъзи бир ҳадисларда чўрилар касб қилган амалнинг ҳалоллиги аниқ бўлмаса, топгани ҳаром бўлиши айтилган. Яъни ҳалол касбдан топганлиги аниқ бўлгандагина, қабул этилади, бўлмаса, йўқ. «Ким уларни мажбур қилган бўлса, бас, албатта, Аллоҳ улар мажбур қилганларидан кейин ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир». Ҳа, У Зот ўта мағфиратли ва раҳмлидир. Чўрилар ўз ихтиёрлари билан эмас, хожаларининг мажбурлаши оқибатида зино қилганлари учун Аллоҳ уларга раҳм этиб, гуноҳларини кечиради.

(“Тафсири Ҳилол”дан).



ЭҲТИКОР ЗУЛМДИР, ХАТТОКОРЛИКДИР!

Маъмар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким эҳтикор қилса, ўша хатокордир», дедилар».

(Имом Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

Шарҳ: Луғатда бир нарсани ушлаб туриш «эҳтикор» деб айтилади. Шариатда эса сотиб олинган нарсани нархни ошириш учун қасддан сотмай ушлаб туришга «эҳтикор» деб айтилади.

Ушбу таърифдан эҳтикор бўлмайдиган ҳолатлар ҳам аён бўлади.

1. Ўзи етиштирган нарсани ушлаб туриш эҳтикор эмас.

2. Қайта сотиш учун эмас, ўз эҳтиёжи учун сотиб олган нарсани ушлаб туриш ҳам эҳтикор эмас.

3. Бошқа юртдан сотиб олиб келинган нарсани ушлаб туриш ҳам эҳтикор эмас. Агар доимий равишда олиб келадиган одам бўлсаю, нархни сунъий равишда орттириш мақсадида ушлаб турса, эҳтикор бўлади.

Уламоларимиз халқ оммасининг эҳтиёжи кўпроқ тушадиган нарсалар, хусусан, озиқ-овқатнинг эҳтикорига алоҳида, бошқа нарсаларнинг эҳтикорига алоҳида қараганлар. Биринчисини мутлақо мумкин эмас, десалар, иккинчисини қимматчилик вақтида мумкин эмас, деганлар. Эҳтикор ҳақида юқоридаги мазкур ҳадисдан бошқа бир қанча ҳадислар ҳам келган, улардан баъзиларини зикр қилсак, мавзуни яна ҳам очиқроқ тушунишимизга ёрдам берса, ажаб эмас.

Имом Аҳмад, Баззор, Ҳоким, Доракутний ва бошқалар Абдуллох ибн Умар розияллоху анху-



дан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким таомни қирқ кеча эҳтикор қилса, батаҳқиқ, у Аллоҳдан воз кечган, Аллох ундан воз кечган бўлади. Қайси юртининг аҳлидан бир киши оч ётган бўлса, батаҳқиқ, улар Аллохнинг зиммасидан тушган бўлурлар», деганлар.

Баъзилар айна ушбу ҳадисга суяниб, эҳтикор фақат таомда бўлади, дейдилар. Лекин жумҳур уламоларимиз эҳтикор ҳақидаги ҳадислар кўп, улардан фақат битта ҳадисда таом зикр қилинган, бу эса эҳтикор фақат таомда бўлади, дейишга асос бўла олмайди, дейдилар. Бошқа ҳужжат ва далиллар ҳамда воқеълик эҳтикор таомдан бошқа нарсаларда ҳам бўлишини кўрсатади. Шу билан бирга, таомни нархни ошириш учун сотиб олиб, қирқ кун ва ундан кўп ушлаб туриш эҳтикор бўлиб, катта гуноҳ эканини айна мана шу ҳадисдан билиб оламиз.

Банда учун Аллох ундан юз ўгиришчалик катта бахтсизлик йўқ. Кўпчилик истеъмол қиладиган

таомнинг нархини сунъий равишда ўстириш учун эҳтикор – монополиячилик билан шуғулланадиган кимсалар бу ҳақиқатни тушунишлари ҳамда бу ҳаром ишларидан тезда воз кечишлари лозим.

Имом Ибн Можа, Доримий ва Байҳақийлар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жалб қилувчи ризқлантирилгандир. Эҳтикорчи лаънатлангандир», деганлар. «Жалб қилувчи» бошқа юртдан ўз юртига керакли нарсаларни олиб келиб сотувчидир. Демак, бу иш яхши иш. Уни қилган одамнинг ризқи улуг бўлади. Аммо ўз юрти бозорида энг керакли нарсаларни сотиб олиб, ушлаб туриб, сунъий равишда нархни орттирувчи – монополиячи эса малъундир-лаънатлангандир. Чунки у кўпчиликни ноилож ҳолга қўйиб, ўзи ишлаб чиқармай ёки бошқа жойдан савдо моли олиб келмай фойда топишга уринган, оддий халқ ҳисобига бойлик орттиришга ўтган ҳаромхўр кимсадир.

Имом Аҳмад Маъқал ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмонларга нархни орттириш учун бирор эҳтикор қилса, хатокордир», деганлар.

Имом Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмонларнинг нархларига киришиб, уларга қимматчилик келтириш учун ҳаракат қилса, Аллоҳ учун уни қиёмат куни катта ўтга ўтказмоғи ҳақ бўлади», деганлар.


Демак, эҳтикорчи бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам қаттиқ азоб-уқубатларга дучор бўлар экан. Аслида нархни чегаралаб қўйиш вақтинчалик фойдали кўрингани билан алдамчидир ва аслида зарар келтиради. Аввало, нархни чегараланганидан зарар кўрган тожирлар ўз фаолиятларини тўхтатишади. Бу ҳол эса эл-юртга бошқа томондан ризқ келишини ман қилиш билан баробардир. Кейин маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳам ўз сарф-харажатлари чегараланган нарх туфайли қопланмай қўйгани учун ишлаб чиқаришни тўхтатадилар. Секин-аста деҳқонлар, хунармандлар ва бошқа тоифаларда ҳам рағбат йўқолиб, маҳсулдорлик пасаяди, ишлаб чиқариш таназзулга кетади. Айниқса, бу ишга эҳтикор – монополия аралашса, яна ҳам ёмон бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир одам қандайдир

маҳсулотни етиштирса, унинг ҳақиқий нархини билса, аммо кимдир унинг етиштирган нарсасини ҳақиқий нархидан бир неча марта оз нархга мажбуран қўлидан тортиб олиб, бир оздан кейин ўша нарсани ўзи билган нархда сотса, қандай қилиб ҳалиги одам ўз ишига рағбат қила олади?! Бу нарса ўтакетган зулм эмасми?!

Ҳозирги даврда нарх ортишининг асосий омилларидан бири эҳтикор (монополия) десак, ошириб юборган бўлмаймиз. Ҳозир эҳтикорчи – монополиячи шахслар, мафиячлар, ширкатлар, халқаро ширкат ва бошқа тарафлар турли йўллар билан нархларни сунъий тарзда ошириш, бозорда фақат ўз молини қолдириб, у молни қандай бўлишидан қатъи назар, энг юқори нархда сотиш йўлларини қидиришмоқда.

Бунинг учун катта-кичик бозорлардаги молларни сотиб олиб, ўз нархини қўйиб сотиш, бозорга зўравонлик йўли билан ўзидан бошқани йўлатмаслик, турли қонунлар чиқариш каби чораларини ишга солишмоқда. Майда безори эҳтикорчилар бозордаги бегона сотувчини қисиб чиқариш, унинг молини тортиб олиш ёки арзимаган баҳога олиб, қимматга сотиш билан шуғулланишмоқда. Эҳтикорчи ширкатлар эса пора бериб ва турли ҳаром йўлларни ишга солиб ўз молини бошқалар ишлаб чиқармаслиги, бошқа юртдан олиб келиб сотмаслиги ҳақида қонун ва қарорлар чиқартириб олишлари мумкин. Шунинг учун ҳам баъзи юртларда эҳтикорга қарши (антимонополия) муассасалар ишга солинган.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 11-жилд).



АМР ИБН ЖУМУХ

(“ШУНДАЙ ОҚСОҚЛИГИМЧА ЖАННАТГА КИРИШНИ ИСТАЙМАН”)

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳарамнинг синглиси Ҳинд Амр ибн Жумуҳнинг умр йўлдоши эди. Ибн Жумуҳ Абдуллоҳ ибн Амрга почча эди. Ибн Жумуҳ Мадинадаги Бани Салом қабиласида таниқли эди. Ақоба сулҳида қатнашган, ансорий Муоз ибн Амр унинг ўғли, жасур ва ҳақиқий мўмин йигит эди. У Мадина аҳлини Исломга даъват қиларди.

У ерда одамлар катта ҳайкалларга сиғинишарди, шу билан бирга қабилла етакчилари қўлларида рамзий бутлар кўтариб юриш урфга кирган эди. Амр ибн Жумуҳ ўз қабиласида йўлбошчи эди. Бир куни у ҳам бут ясади ва унга “Маноф” деб ном берди.

Ўғли Муоз ибн Амр отаси ясаган бутни масхара-лаб, устидан кулди. Ярим тунда бутни олиб, одамлар чиқинди ташлайдиган чуқурга отиб юборди.

Амр уйғониб, “Маноф”ни топа олмади. Бутни чуқурда ётганини кўргач, ғазабланди: “Бу кеча илоҳимизга ёмонлик қилишга кимнинг ҳадди сиғди?” дея ғудранди. Сўнг бутни тозалади, унга атирлар сепди.

Эртаси яна ўтган тундаги воқеа такрорланди.

Вазиятни кўрган Амр қиличини “Маноф”нинг бўйнига тиради ва: “Агар сенинг бирорта хайрли хислатинг бўлса, ўзингни ўзинг муҳофаза қил”, деди.

Эрталаб уйғонганда бутни жойидан топа олмади. Бу сафар бут ўлган ит жасадига пишиқ арқон билан боғланиб, чиқинди ўрасига ташланган эди.

Амр ибн Жумуҳ ғазабланиб, ўзини қўярга жой тополмади. Шунда баъзи мусулмонлар айтдиларки: “Аллоҳ таоло Ҳақ, У буюк ва тенгсиз зот. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) инсониятни ҳидоятга бошлаш учун юборилган Пайғамбардир. Ислом дини эса инсониятни барча кишанлардан озод этиш, Аллоҳ нурини қалбларга солиш учун юборилди”.

Кўп ўтмай Амр йўлини топди.

Ювиниб артинди, кийимларини тозалади, мушки анбарлар сепди. Сўнг бошини тик тутиб, қалби хузурга тўлиб, сўнгги Пайғамбарга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) иймон келтириш ва мўминлар қаторидан жой олиш учун йўлга тушди.

Шундай савол туғилади: “Амр ибн Жумуҳ сингари қавмнинг етакчилари шу даражада содда эдиларми? Нима учун кучсиз бутларга сиғинишарди улар? Нега ақлу закоси уларни бундай бемаъни сафсаталардан қутқара олмаган? Нима учун эндиликда уларни фидойи мусулмон бўлганлари учун улуғ инсон сифатида тилга оламиз?”

Тахтадан бут ясаб, унга сиғинишни ҳатто боланинг ақли ҳам қабул қилмайдиган замонда бундай саволлар бериш осон, албатта. Аммо ўтмишда бу одатларга қарши тушунча йўқ эди. Аксинча бутлар одамларни ўзга асир қилганди. Бунга қадимги Афинани мисол келтиришимиз мумкин.

Пифагор, Сукрот замонасидаги Афина... Афина тафаккурга чорлайдиган фикрий юксакликка эришганди. Аммо улар файласуф, ҳикмат соҳиблари бўла туриб, аҳмоқликда тенгсиз, ҳайкалларга сиғинувчи жамиятдан иборат эди. Ўша даврда диний дунёқараш ақлий юксаклик билан ёнма-ён ривожланмаган эди.

* * *

Амр ибн Жумуҳ қалби ва ҳаётини оламлар Робби Аллоҳга бағишлади. Ислом унинг табиатидаги саҳийлик ва яхшилик фазилатларини кучайтирди; у бутун мол-мулкни дин йўлига, мусулмонларга атади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бир жамоатда Амр ибн Жумуҳнинг қабиласи – Бани Саломга шундай савол бердилар:

– Эй Салом ўғиллари! Раҳбарингиз ким?

– Ибн Қайс, у ҳасис инсон.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) дедиларки:

– Ҳасисликдан ҳам тубанроқ касаллик борми? Энди раҳбарингиз жингалак сочли, оқ юзли Амр ибн Жумуҳ бўлади.

Бу Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) томонидан Ибн Жумуҳга берилган юксак баҳо эди. Ансорнинг шоири бу хусусда шундай дейди: Амр ибн Жумуҳ – саҳий, эҳтиромга эришди. Лойиқ бўлгани боис мартабага етишди. Сўраган ҳар кимга у бор мулкни берарди, «Олаверинг, эртага яна келар», деярд.

Амр ибн Жумуҳ молини Аллоҳ йўлида сарфлаганидек, жони ва ҳаётини ҳам шу йўлга бахшида етишни истарди.

Хўш, бу истакни қандай амалга ошириш мумкин?

Оқсоқ бўлгани учун жангларда иштирок этолмайди. Бироқ барчаси мусулмон бўлган тўрт нафар фарзанди бор эди. Улар доимо Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга жангларда қатнашардилар.

Амр (розияллоҳу анҳу) Бадр жангида иштирок этмоқчи бўлди. Аммо фарзандлари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан уни бормасликка кўндиришни илтимос қилишди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) оқсоқлиги учун унга рухсат берилмаслигини айтдилар. Ҳарчанд Амр сўзида қаттиқ туриб олса-да, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унга Мадинада қолишни буюрдилар.

* * *

Уҳудга тайёргарлик бошланганида Амр яна рухсат олиш учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи

васалламнинг ҳузурларига бориб деди: “Эй Аллоҳнинг элчиси, ўғилларим мени сиз билан бирга бўлишимга қаршилиқ кўрсатишяпти. Аллоҳга қасам, мен шу оқсоқлигим билан жаннатга киришни истайман”.

Илтимос қатъий бўлгани учун Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) унга рухсат бердилар. У хурсанд бўлиб, қуролланиб жангга отланди. Роббига ёлвориб шундай дуо қилди: “Аллоҳим, менга шаҳидликни насиб эт ва мени оиламга қайтарма!”...

* * *

Ниҳоят, икки қўшин Уҳуд куни юзма-юз келди. Амр ибн Жумуҳ ўғиллари билан бирга қилич кўтариб, зулмат ва ширк аскарларига зарба беришди. Амр жанг майдонининг ичига ёриб кирганида қиличининг ҳар зарби бутпарастлардан бирининг бошини узарди. Ўнг қўли билан зарба бераркан, руҳини жаннатга олиб кетувчи фариштанинг тезроқ келишини кутарди.

Ҳа... Роббидан шаҳидлик сўради. Амр оқсоқ оёғи билан жаннатга сакраш орзусида эди. Ниҳоят, кутганига етишди.

Сурур онларидан дарак берувчи шиддатли қилич зарбаси...

Абадият боғига ва Раҳмоннинг фирдавсига олиб борувчи юксак шаҳидлик сурури!

Мусулмонлар шаҳидларни дафн этишар экан, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) шундай дедилар: “Қаранг! Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳарам ва Амр ибн Жумуҳни (розияллоҳу анҳу) битта қабрга қўйинг. Улар дунёда бир-бирларини яхши кўрардилар”.

* * *

Икки қадрдон дўст қаҳрамонона шаҳид бўлишгач, пок таналарини битта қабр бағрига олди.

Кўмилганларидан сўнг қирқ олти йил ўтгач, Муовиядан келган сел мазорларини ўйиб юборди.

Мусулмонлар шаҳидларнинг жасадларини кўчиришга шошилдилар. Жасадларни кўчиришда иштирок этганлар: «Таналари юмшоқ, қўл-оёқлари бус-бутун эди», дедилар.

Ўша вақтда Жобир ибн Абдуллоҳ ҳаёт эди. У оиласи билан бирга отаси Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳарам ва аммасининг умр йўлдоши бўлган Амр ибн ал-Жумуҳнинг жасадларини кўчиришда қатнашди. Уларни қабрларида гўёки уйқуга кетгандек ҳолатда кўрди.

Ер уларнинг танасини чиритмаган ва Аллоҳ таоло билан учрашувга таклиф этилган кундаги шодлик табассуми юзларидан кетмаган эди...

Гулсара Соатхонова таржимаси.

ФАТВО БЕРИШНИНГ ШАРТЛАРИ

“Фатво” арабча сўз бўлиб, луғатда “масаланинг жавоби” маъносида ишлатилади. Истилоҳда эса, сўраган киши учун шаръий ҳукмни ўз далилидан баён қилиб беришдир. Савол воқеъликда учрайдиган ҳолатлар ҳақида ҳам ва бошқа нарсалар ҳақида ҳам бўлиши мумкин.

Муфтий эса фатво берувчи кишидир. Бир марта фатво берган кишини ҳам муфтий дейилаверади. Лекин шаръий урфда муфтий бундан хосроқ маънога далолат қилади. Сайрафий айтадилар: “Муфтий – одамларнинг динларида бош бўлган, Қуръоннинг ом ва хосини, носих ва мансухини, шунингдек Суннат ва истинботни билган кишидир. Ким бу даражага етса, шундай номланади ва сўраганга фатво беришга ҳақлидир”.

Заркаший айтадилар: “Муфтий – шаръий ҳукмларнинг барчасини билган кишидир”.

Фатво қазодан фарқланади. Қазо – даъвогарлар ўртасини ажрим қилиш. Қазони “ҳукм” ҳам дейилади. Фатво шаръий ҳукмнинг хабарини бериш бўлса, қазо даъвогарлар ўртасида ҳукмни пайдо қилишдир. Фатво, сўрагучи ёки бошқага мажбурият юкламайди, балки тўғри деб билса амал қилади. Бўлмаса уни қўйиб, бошқа муфтийнинг фатвосини олади. Аммо қозининг ҳукми мажбурийдир. Шундан келиб чиқиб даъвогарлардан бири бошқасини фақиҳлар фатвосига чақирса мажбурланмайди. Агар қозига чақирса, унда ижобат қилиш вожиб, бунга мажбурланади. Чунки қози даъволарни қондириш ва тугатиш учун таъйинлангандир.

“Дуррул мухтор” муаллифи айтадилар: “Муфтий диёнатан, яъни ишнинг ботинига фатво қилади ва фатво сўровчи ботинан унга мажбур. Қози эса зоҳирга ҳукм қилади”. Ибн Обидийн бунга шундай мисол келтирадилар: “Киши муфтийга: “Хотинимга ёлғондан хабар бериб: Сен талоқсан, дедим”, деса, муфтий талоқ тушмаганига фатво беради. Аммо қози эса талоқ бўлганига ҳукм қилади”.

Шунингдек қозининг ҳукми жузъий ва хос бўлиб, маҳкумдан бошқасига тааллуқли бўлмайди. Фатво эса сўрагучига ҳам, бошқага ҳам тааллуқли умумий шариат ҳисобланади. Қози аниқ бир шахсга муайян ҳукмни чиқаради. Муфтий эса умумий, ҳаммага тааллуқли ҳукм фатвосини беради. Ким бундай қилган бўлса ҳукм шундай, ким бундай деган бўлса ундай нарсга лозим бўлади, деганга ўхшаш. Қазо сўзлана-



диган лафзлар билан бўлса, фатво ёзиш, қилиш ва ишора билан ҳам мумкиндир.

Фатво бериш фарзи кифоядир. Зеро мусулмонларга динларида воқеъ бўладиган ҳукмларни баён қилиб берадиган киши бўлиши керак. Бу иш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Шунинг учун бунга қодир кишиларга вожиб бўлади. У фарзи айн бўла олмайди. Чунки фатво учун жуда кўп илмларга эга бўлиш керак. У ҳаммага юкланса одамларнинг иш ва манфаатлари қолиб кетади. Унинг фарзлигига Аллоҳ таолонинг: “Эсланг (эй Муҳаммад), Аллоҳ Китоб берилган кимсалардан «Албатта у Китобни одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» деб аҳд-паймон олган эди” (Оли-Имрон сураси, 187) ояти ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Ким бир илм ҳақида сўралса, кейин у уни беркитса, қиёмат куни оловдан бўлган юган билан юганланади”, деган ҳадислари далил бўлади.

Лаёқатли кишидан шаръий ҳукм ҳақида сўралса унга қуйидаги шартлар билан жавоб бериш лозим бўлади:

1) Ўша ноҳияда жавоб бера оладиган одам топилмаслиги. Агар топилса ўзи жавоб бермай иккинчисига ошириб юбориши мумкин. Абдурроҳман ибн Абу Лайло айтадилар: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳобларидан бир юз йигирмата ансорийни топдим. Улардан биридан бир масала сўралса, бу унисига, униси бунисига жўнатардики, охири яна биринчи сўралганга қайтиб келарди.

2) Сўралган киши ҳукмга амалда олим бўлмоғи.

3) Жавоб вожиб бўлишига монеълик топилмаслиги. Бунга масаланинг воқеъликда учрамаслиги, ёки сўрагувчига манфаати йўқ иш бўлмоғи мисолдир.

Фатвонинг шариатдаги ўрни жуда юқори. Ри-солат тақозо қилгани учун Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик чоғларида шу ишга вазифадор бўлганлар. Бунга у зотни Аллоҳ Ўзи таклиф қилган: “Сизга эса одамларга нозил қилган нарсаларни (яъни, шариат аҳкомларини) баён қилиб беришингиз учун ва шояд тафаккур қилсалар, деб бу эслатмани — Қуръонни нозил қилдик”. (Наҳл сура-си, 44-оят). Муфтий баён қилиш вазифасини адо этишда Набий (с.а.в.) халифаларидир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин саҳобаи киромлар, улардан кейин илм аҳли бу фазифани адо этишди.

Фатво мавзуси Аллоҳ таолонинг ҳукмини баён қилиш ва уни одамлар ишларига татбиқ этишдир. Демак у Аллоҳ таолонинг сўзи экан. Чунки у сўрагув-чига: “Бундоқ қилмоғинг лозим ёки ундоқ қилмоғинг ҳаром”, дейди. Шунинг учун ҳам Қаррофий муфтий-ни Аллоҳ таолонинг муроди тўғрисида таржимонга ўхшатади. Ибн Қойюм эса муфтийни подшоҳнинг имзо қўювчи вазирига қиёс қилади. Модомики под-шоҳнинг номидан имзо қўювчининг фазли инкор қи-линмас, қадр камситилмас экан, энди осмонлару ва ер Парвардигори номидан гапирувчининг манса-би қандай бўлди? Ибн Мункадирдан шундай нақл қилинади: Олим Аллоҳ ва Унинг халқи ўртасидадир. У уларнинг ўртасига қандай киришига қарасин?

Иш шундай бўлгач фатво бериш мартабаси жуда масъулиятлидир. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: “Фатво беришга журъатлигингиз, дўзахга журъатлигингиздир”. Дорамий ривояти. Суфён: “Фатвога илми кам инсон жасур бўлади”, дейдилар. Олим киши фатво беришдан ҳайиқиши керак. Ҳукм Қуръон, Суннат ёки ижмоъда равшан маълум бўлсагина фатво берсин. Бундан бошқа ҳолатларда жавоб маълум бўлиши учун излансин, исбот қидирсин. Акс ҳолда жавобдан тийилсин. Имом Молиқдан элликта масала сўралди. Улардан бирортасига жавоб қилмадилар ва: “Ким жавоб қил-моқчи бўлса ундан олдин ўзини жаннат ва дўзахга рўбарў қилсин, агар қутулишга кўзи етса жавоб қил-син”, дедилар. Асрам айтадилар: Аҳмад ибн Ҳан-балнинг билмайман, деганини кўп эшитганман.

Билмаган ҳолда фатво бериш ҳаромдир. Чун-ки бунда Аллоҳ таоло ва Расулига ёлғон ишлатган, одамларни адаштирган бўлади. Шунинг учун бу кабира гуноҳлардан саналади. Аллоҳ таоло: “Ай-тинг: «Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузуқликларни, (барча) гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Аллоҳга (шерик эканлигига) ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни Унга шерик қилиб

олишингизни ҳамда Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган, холос”, дейди. Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ай-тадилар: “Албатта Аллоҳ илмни олимлар қалбидан тортиб олиш билан олиб қўймайди. Балки олимлар-ни вафоти билан олиб қўядики, олим қолдирмагани-дан одамлар жоҳилларни ўзларига бош қилиб олиб савол беришади. Улар илмсиз ҳолда жавоб бериб адашишади ва адаштиришади” (Бухорий ривояти).

Сўровчи нотўғри фатво туфайли ҳаром ишни қи-либ қўйса ёки бир амални фасод этса гуноҳи фатво берувчига бўлади. Агар сўровчи фатвога ҳақли олимни кидирмай сўраган бўлса ўзи ҳам гуноҳга ше-рик бўлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васал-лам айтадилар: “Ким илмсиз фатво берган бўлса, унинг гуноҳи фатво берганга бўлади”.

Фатво бериладиган ҳукмларнинг турлари кўп. У Аллоҳга ва охиратга иймон келтириш каби эътиқо-дий ҳукмлар, ибодат, муомалот каби амалий ҳукм-лар ва вожиб, ҳаром, мустаҳаб, макруҳ ва мубоҳ каби таклифий ҳукмлар, ҳамда ибодат ва тасарруф-нинг саҳиҳ ва ботиллигига фатво берадиган вазъий ҳукмларни қамраб олиши мумкин.

Фатво берувчида қуйидаги шартлар топилиши керак:

1) Ислом. Кофир фатво беролмайди.

2) Ақл. Жиннидан фатво содир бўлиши мумкин-мас.

3) Балоғат. Сағир бунга ҳақлимас.

4) Адолат. Жумҳур уламнинг наздида фосиқ-нинг фатвоси дурустмас. Чунки фатво шаръий ҳукм-нинг хабари бўлиб, фосиқнинг хабари қабул қилин-майди. Аммо баъзи ҳанафий уламоларимизга кўра фосиқ муфтийликка ярайди. Чунки у хатога нисбат бермасликлари учун ижтиҳод этади.

5) Ижтиҳод. Ибн Обидийн Ибн Ҳумомдан нақл қиладилар: “Усулийларда қарор топган раъй шуки, муфтий — мужтаҳиддир. Аммо мужтаҳидларнинг сўзларини ёдлаб олган, лекин ўзи мужтаҳид бўл-маган киши муфтий эмасдир. Бундай одамдан фатво сўралса мужтаҳиднинг қавлини ҳикоя тар-зида зикр қилиши керак. Бизнинг замонамиздаги мавжуд фатволар фатво эмас, балки муфтийнинг каломидан нақлдир”. Шунга кўра мужтаҳид бўлма-ган муфтий мужтаҳиднинг сўзини ўзининг сўзи си-фатида зикр қилмаслиги керак. Чунки муқаллиднинг фатвоси ҳақиқий фатво эмас, унга ўхшаганлиги учун мажозан фатво дейилади. Замонамизда мужтаҳид-лар камлиги ёки йўқлиги учун унинг каломини олиш жоиз.

6) Фаҳм-фаросатли бўлмоғи. Нававий айтади-лар: Муфтий ўзи фақиҳ, соғлом зеҳнли, ўткир фикр-ли ва чуқур мулоҳазали бўлиши керак”.

7) Фатонатли ва уйғоқ бўлмоғи. Ибн Обидийн айтадилар: “Баъзилар муфтийнинг сергак бўлишини шарт қилишади. Бу замонамиз шартидир. Муфтий

одамларнинг ҳийла-найранглари билладиган даражада сергак ва огоҳ бўлиши керак. Чунки уларнинг айримлари ҳийла, фирибгарлик, сўзамол ва ботилни ҳақиқат суратида тасвирлаб берадиган маҳоратли бўлишади. Шунда муфтий ғафлатда қолса жуда кўп зарарлар келтириб чиқаради”.

Қариндошлик, дўстлик ва душманлик фатвонинг саҳиҳ бўлишига таъсир этмайди. Инсон ўз отаси, ўғли, дўсти, шериги ёки душманига фатво берса бўлади. Зеро фатво ривоят ўрнидадир. Чунки муфтий умумий ишлар ҳақида шариат хабарчиси ҳукмидадир. Яна фатво ҳукмга ўхшаб мажбурият юкламайди. Шундан инсон ўзига фатво берса ҳам бўлади. Аммо ўзига, яқинига енгил, бошқаларга эса оғир нарсаларга фатво қилган адолатига шубҳа пайдо этади.

Фатво берувчи хусусан фатво сўровчилар дўст ва яқинлари бўлганда, мазҳаблардаги рухсатларга, икки қавлнинг енгиллини олишга одатланмаслиги керак. Бундай қилладиганларни уламолар гуноҳкор санашади. Муфтийнинг назарида, бу Аллоҳнинг ҳукми деган зонн кучли бўлиши лозим.

Ҳукмни енгил ва осон бўлгани учунгина олиш динни менсимасликдир. Аммо шаръий асосга таянган бўлса рухсатни олиш маън этилмайди. Ислом шариати васатийлик ва енгиллик билан ажраб турган шариат бўлганидан муфтий одамларга ҳаммага тўғри келадиган мўътадил ҳукмларни юқласин. Ифрот ва тафритга берилмасин.

Муфтийликнинг ўз одоблари бор:

1) Муфтий либосини чиройли қилмоғи керак. Бу тўғрида шаръий ҳукмларга амал қилмоғи, поклик ва тозалikka риоя этмоғи ва ипак, тилла ва кофирларнинг белгилари бор кийимлардан сақланмоғи лозим.

2) Иш ва сўзида шариатга мувофиқ бўлиб, сийратини гўзал этмоғи. Чунки у айтаётган ва қилаётганларида одамларга ўрнак бўлиши керак. Шунда сўзи таъсир этади.

3) Ботинини ислоҳ қилиши, фатво бериш пайтида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан халифалик мақсади, Қуръон ва Суннатни тирилтириш ва бу билан одамларнинг ҳолини тузатиш каби яхши ниятларни қасд қилиши. Бу хусусда у Аллоҳдан ма-

дад, тавфиқ ва тўғрилиқ сўраши керак. Ўзининг олий бўлиш, хусусан ундан бошқа хато қилиб, ўзи тўғри топганда айтганларидан ажабланиши каби манфур ниятлардан эҳтиёт бўлиши лозим. Саҳнун айтадилар: “Тўғри жавобга фитналаниш мол фитнасидан каттароқдир”.

3) Ўзи фатво берган яхшиликларни қилувчи, қайтарган ёмонликлардан қайтувчи бўлиши керак. Агар бунинг зидди бўлса, иши сўзини ёлғончи қилади ва сўрагувчининг қабулидан тўсади. Бу энди фатво бермасин дегани эмас. Зеро, ҳаммада ҳам адашиш бўлади. Аммо адолати соқит бўладиган даражада беамал бўлса, фатво беришга ҳақли эмас.

4) Қалби ғазаб, сурур, очлик, чанқоқлик ва сиқилиш каби билан қаттиқ машғуллик пайтида фатво бермаслик керак. Шунингдек уйқусираган, қаттиқ ҳасталанган, таъсир этадиган даражадаги иссиқ ва совуқда, таҳорат танг қилиб турганда ва шуларга ўхшаш фикр соғломлиги ва ҳукм тўғрилигини маън этадиган ҳожатли пайтларида фатво бермаслик лозим. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Ҳакам ғазабланган ҳолда икки киши ўртасида ҳукм қилмасин!”, дейдилар. Агар мазкур ҳолатлар ҳосил

бўлса, то улар кетиб, мўътадил вазият юзага келгунча у фатводан ўзини тийсин.

5) Агар ҳузурида илми ва динига ишонадиган киши бўлса, у билан маслаҳатлашиши керак. Аллоҳ таоло: “Ишда улар билан маслаҳатлаш!”, дейди. (Оли-Имрон сураси, 159-оят). Хулафои рошидинлар, хусусан Умар (розияллоҳу анҳу) доим шундай қилишарди. Чунки машваратдан ўзига махфий баъзи жиҳатлар маълум бўлади. Лекин машварат сирни ошкор қилиш кўринишида бўлмаслиги шарт.

7) Муфтий табиб каби одамларнинг сирлари ва бошқаларига ноъмалум жиҳатларидан хабардор бўлади. Шунинг учун фатво сўровчиларнинг сирларини яшириш лозим бўлади. Чунки одамларнинг муфтийга ишончи қолмаса, воқеа саҳналарининг айрим томонлари унга махфий қолиб кетади ва бу ўз-ўзидан фатво тўғри бўлмаслигига олиб келади.

Алишер ТУРСУНОВ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом маъ-
ҳади мударриси.



МЎМИНЛАР ЗАФАР ТОПИШАДИ

Мусулмонлар ҳам турлича бўлади. Уларнинг бир тоифаси Аллоҳ ва Унинг Расулига доимий итоатда-ибодатда бўлган, амр-фармонлари ва кўрсатмаларидан чекинмайдиган чин мўминлардир. Уларнинг васфи Қуръони каримда келган: «Улар намозларида (қўркув ва умид билан) бўйин эгувчи кишилардир. Улар беҳуда –фойдасиз (сўз ва амаллардан) юз ўгирувчи кишилардир. Улар закотни адо қилувчи кишилардир. Улар авратларини (ҳаром-зинодан) сақлагувчи кишилардир». (Мўминун, 2-5); «Улар ўзларига (ишонилган) омонатларга ва берган аҳд-паймонларига риоя қилувчи кишилардир. Улар намозларини (вақтида адо этиб, қазо бўлишдан) сақлагувчи кишилардир. Ана ўшалар Фирдавсга меросхўр бўлувчи ворислардир». (Мўминун, 8-10).

“Ҳақиқий мўминлар фақат Аллоҳ зикр қилинган вақтида қалбига кўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганида иймонлари зиёда бўладиган ва ёлғиз Парвардигорларигагина суянадиган кишилардир. Улар намозни тўқис адо этадилар ва Биз уларни баҳраманд қилган нарсалардан инфоқ-эхсон қиладилар” (Анфол, 2-3).

“Мўминлар оға-инилардир. Сизлар икки оға-инингизнинг ўрталарини ўнглаб кўйинглар. Аллоҳдан кўрқинглар, шояд шунда Унинг раҳматига эришсанглар!” (Хужурот, 10).

Бир қудсий ҳадисда Аллоҳ таоло: “Ер ва осмонларга сиғмаган ҳолда бир мўмин бандамнинг қалбига сиғаман”, деб марҳамат этган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Мўмин – мўминлар ўзлари ва молларини ишонган кишидир” (Имом Аҳмад ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Мўминнинг мўминда Аллоҳ таоло вожиб қилган еттита ҳаққи бор: унга ҳурмат назари билан қараш; уни қалби билан севиш; унга моли билан

ёрдам бериш; уни ғийбат қилмаслик; касаллигида бориб кўриш; жанозасида ҳозир бўлиш; оламдан ўтганидан сўнг унинг ҳақида фақат яхши сўз айтиш” (Имом Ибн Бобуӣх ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ким моли билан муҳтожларга ёрдам берса, ўзи одамларга хизмат қилса, у ҳақиқий мўминдир” (Имом Таҳовий ривояти).



Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Ғапирганида чиройли сўзлаш, эшитганида чиройли тинглаш, учрашганида гўзал табасум қилиш, ваъда берса ваъдага вафо қилиш мўминнинг ахлоқидир” (Имом Дайлабий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Мўмин мўминнинг ойнасидир. Унда бирор айб кўрса, тўғрилайди” (Имом Бухорий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Агар мўминнинг қалби Аллоҳ таолодан кўрқиб қалтираса, хатолари дарахт барглари тўкилгани янглиғ тўкилади” (Байҳақий ривояти).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: “Мўмин закий, онгли, эҳтиёткор, оқибатни ўйловчи, жасоратли, шошмас, олим ва парҳезкордир” (Имом Дайлабий ривояти).

Улуғ саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бундай деганлар: “Банда иймон чўққисига чиқмагунича, унинг ҳақиқатига етишолмайди. Мусулмон камбағалликни бойликдан, пасайишни юксалишдан афзал кўрмагунича ва уни мақтаган ҳамда ёмонлаган кишиларни бир хилда кўрмагунича иймон чўққисига чиқа олмайди”. “Мўмин киши худди шифокори ёнида юрган беморга ўхшайди. Беморнинг ёнида юрган табиб унинг дориларини билиб, кўнгли бирор нарсани тусаганида, «Зинҳор бунга ея кўрма! Мабодо есанг, сени ўлимга олиб боради!» дея огоҳлантириб турганидек, мўмин кишининг кўн-

гли ҳам кўп нарсаларни истаб қолганида Яратган уни зарарлиларидан қайтаради ва жонини олгач, жаннатга борғунига қадар назорат остида тутиб туради», деган яна бир улуғ саҳобий Салмон Форсий.

Хотамул Асом айтади: «Мўмин фикр ва ибодат билан машғул, мунофиқ хирс ва орзу-ҳавас билан. Мўмин Аллоҳдан ўзгасидан ноумид, мунофиқ Аллоҳдан ўзгасидан умидвор. Мўмин фақат Аллоҳдан қўрқса, мунофиқ Аллоҳдан бошқа ҳаммадан қўрқади. Мўмин диним деб молидан кечса, мунофиқ молим деб динидан кечади. Мўмин яхши амаллар қилади ва йиғлайди. Мунофиқ ёмонликлар қилади ва кулади. Мўмин хилвату ёлғизликка интилади. Мунофиқ йиғинлару издиҳомларга ўзини уради. Мўмин экади ва ҳосилнинг фасодидан хавфда. Мунофиқ экинни қуритади ва ҳосилни умид қилади».

Абу Ҳурайра айтади-лар: «Мўмин кишининг шайтони билан кофир кишининг шайтони учрашиб қолди. Кофирнинг шайтони ёғ босиб семирив кетган, кийим ҳам кийиб олганди. Мўминнинг шайтони эса озғин, чанг, ранжиган, сочлари тўзғиган ва яланғоч эди. Кофирнинг шайтони мўминнинг шайтонига «Нима бўлди сенга, озғинсан?» деди. Мўминнинг шайтони жавоб қилиб: «Мен шундай киши билан биргаманки, овқат еган вақтида Аллоҳнинг номини айтади, мен оч қоламан. Сув ичса, Аллоҳнинг номини айтади, мен чанқоқлигимча қоламан. Кийим кийган вақтида ҳам Аллоҳнинг номини айтади, мен яланғоч қоламан. Агар ёлланса ҳам, Аллоҳнинг исмини айтади, мен сочим тўзғиган ҳолда қоламан», деди. Шунда кофирнинг шайтони: «Лекин мен буларнинг бирортасини ҳам қилмайдиган бир киши билан биргаман. Мен унинг таомига ҳам, шаробига ҳам, кийимига ҳам шериклик қиламан», деди».

Мусулмон иймони билангина бошқалардан ажраб туради. Иймонгина уни олий мақомга чиқаради, саодатга элтади, дунё ҳаётидаги вазифасини белгилайди, охирати учун захира ҳозирлашга чорлайди. Инсон иймони билангина барча махлуқларнинг гултожига айланади.

Иймон инсоннинг дунё ҳаётидан охират манзилига йўл кўрсатувчи порлоқ маёғи, ҳар бир ишда ҳаракат дастури, барча амалларнинг дебочасидир.

Иймонсиз киши ўзини ҳар қанча покдомон, софдил, яхши фазилатли кўрсатмасин, инсоният равнақи йўлида қанчалик оламшумул ишларни бажармасин, Аллоҳ наздида чивин қанотича ҳам қадр топмайди, охират неъматларидан заррача насиба ололмайди. Фақат иймонгина – Аллоҳ таолога, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига, ўлгандан кейин қайта тирилишга, қадарга (барча яхшилик ва ёмонлик Аллоҳнинг хоҳиш-иродаси билангина содир бўлишига) қатъий ишончгина инсониятни икки дунё саодатига эриштирадиган улуғ илоҳий неъматдир.

Мўминликнинг йўли машаққатли, унинг юки оғир. Аллоҳ таоло мўмин кишини ҳар қадамда, ҳар ишда,

ҳар сонияда имтиҳон қилади. Мушкулотларга солади, қийноқ-азобларга рўпара қилади. Минглаб тўсиқ-қийинчиликлар билан ўраб-чирмаб ташлайди. Бир лаҳзада яқинларидан айириб қўяди. Баъзан бирор хасталик билан синайди ёки аранг қўлга киритган мол-дунёсидан маҳрум қилади. Ёхуд кўзлаган ишларига, орзуларига етказмайди. Аммо ҳақиқий мўмин бу имтиҳонларга сабр билан жавоб қайтаради. Изтироб чекмайди, хафалиқдан кўкрагини захга бериб ётмайди. Аллоҳнинг имтиҳонидан

бардош ва шукр билан ўтади.

Мўминлик вазифаси осон эмас. Инсон фитрати, табиати ҳамиша роҳат, фароғат, ором истайди. Нафси минг қўйга солади. Ана шуни енга олган чинакам мўминдир. Роҳатидан кечиб, нафсини қон қақшатиб қийнаган, меҳнат, машаққат, ибодатларга чидаган кишигина мумтоз қул бўлади. Аллоҳ Ўз ҳикматига кўра куфрни, иймонсизликни осон, мўминликни қийин қилиб қўйган. Шунинг учун дунёда кофир, осий кўп, мўмин ва солиҳ инсон оз.

Ислом динига иймон келтириш, унинг ақида, шариат, ибодат, ахлоқ, одоб каби асосларига, арконлари ва вожибларига амал қилиш – Аллоҳга бўлган иймоннинг шартидир. Ким ушбуни қабул қилса, мусулмондир, уни рад этса, кофир бўлади. Атоқли ўзбек маърифатпарвари Абдурауф Фитратнинг бундай сўзлари бор: “Эътиқодга айланмаган ғоялар, тизимларнинг умри қисқа бўлиб, бугун бўлса, эртага бўлмаслиги мумкин. Инсон Худога, охиратга ишон-



ЁЛҒОН

Ёлғон гапириш катта гуноҳлардан саналади ва ҳадисда мунофиқликнинг аломатларидан бири эканлиги баён этилган. Буни мўминлар жуда яхши билдилар, чунки улар ёлғон гапириш туфайли охиратда азобга йўлиқишларидан қўрқадилар. Имонсиз (савоб, гуноҳ тушунчаси йўқ) кофирларгина ёлғонни тўқийдилар (16:105). Ҳадиси шарифларда ёлғон ҳақида бундай дейилади: «Ўзларингга тўғрисиўзликни лозим тутинглар. Чунки тўғрисиўзлик яхшиликка йўллайди ва яхшилик жаннатга йўллайди. Киши доим тўғри гапирса ва тўғриликини қасд қилса, Аллоҳ наздида “сиддик” деб номланади. Ёлғончиликдан сақланиш лозим. Чунки ёлғончилик фужур ишларга йўллайди ва фужур жаҳаннамга йўллайди. Киши доим ёлғон гапирса ва ёлғончиликни қасд қилса, Аллоҳ наздида “каззоб” деб номланади»; «Мунофиқни уч нарс билан синаб кўринглар: гапирса ёлғон гапиради, ваъда берса, тескарисини қилади ва аҳдлашса, бузади». Бу хислатлар маъноси Қуръони каримда ҳам тасдиқланган (9:75–77). Аллоҳ таоло ёлғончиларни ёмонлади (61:7) ва ёлғонни ҳаром қилди (22:30), лаънатлади (51:10). Аллоҳ таоло барчамизни ёлғончиликдан ва ёлғончиларнинг касридан Ўзи асрасин! Омин!

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Киши кўрмаган нарсасини кўзим билан кўрдим деса, ўша ёлғончиларнинг энг ёлғончисидир»; «Энг катта хиёнат – сенга ишонган биродарингга ёлғон гапиришингдир»; «Ота-онага яхшилик қилиш умрни узайтиради. Ёлғон ризқни қисқартиради. Дуо қазони қайтаради»; «Агар банда ёлғон гапирса, унинг сассиғидан (унга бириктирилган) фаришта ундан бир мил нарига узоқлашади»; «Киши ҳар бир эшитган нарсасини гапиравериши унинг ёлғончи эканлигига кифоя қилади»; «Ким бир гўдак болага, мана буни ол, деса-ю, ҳеч нарс бермаса, у одам ёлғончи бўлади»; «Ёлғон имондан четлатувчидир».

Ёлғон зулмий ҳаром (ман этилган, ярамас) амалдир. Ёлғончининг тавбаси ундан зулм кўрган одам рози бўлсагина қабул қилиниши мумкин, рози бўлма-са, қабул қилинмайди.

Ёлғончи шахснинг жамиятда эгаллаб турган ўрнига қараб, жамиятга келтирадиган зарарининг даражаси, миқдори ҳам ўзгариб боради. Шунинг учун Исломда ёлғон ҳаром ва катта гуноҳ ҳисобланади. Шу билан бирга баъзи ҳолатларда (шартларга мувофиқ келса) ундан ҳам каттароқ зарарни қайтариш учун истисно тариқасида ёлғон ишлатишга рухсат берилган. Масалан, бирон мусулмон киши ўлдирувчидан

яшириниб олган бўлсаю золим у мусулмон ҳақида сўраганида уни яшириб, ёлғон ишлатиш вожибдир. Шу сингари ўзида ёки бошқа кишида омонат бўлса ва золим ўша молни тортиб олишни хоҳласа, уни яшириб ёлғон гапириш вожиб бўлади.

Яна Абу Ҳомид Ғаззолий (раҳматуллоҳи алайҳ) шу сингари ўзи учун яхши мақсадга боғлиқ нарсаларда ёлғон ишлатиш мумкин деганлар: «Масалан, у ўзи ва Аллоҳгина билиши мумкин бўлган фаҳш иши ҳақида султон сўраганида уни инкор қилиши — зино қилмадим дейиши жоиз».

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Одамларни яраштириш ниятида ёлғондан яхши хабар етказувчи ва яхши сўзларни гапирувчи ёлғончи эмас», дедилар. Бошқа бир ҳадисда «...урушда, одамларни яраштиришда, эр-хотин ўрталарида бўладиган сўзларда...» каби қўшимчалари билан баён қилинган. Истисно тариқасида рухсат берилган ушбу уч ҳолатдан бошқа ҳолларда ёлғон гапириш мумкин эмас.

Ёлғондан гувоҳлик бериш ҳам ҳаромдир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло марҳамат қилган (25:72) ва ҳадиси шарифларда ҳам келган: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Сизларга катта гуноҳлар ҳақида хабар берайми?” деб сўрадилар. Биз (саҳобалар): “Ҳа, айтинг, Аллоҳнинг расули!” дедик. Шунда у зот: “Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиш, ота-онага оқ бўлиш...” – суяниб ўтирган эдилар, тўғри ўтириб олиб – “...огоҳ бўлинг: ёлғон сўз ва ёлғон гувоҳлик бериш”, деб такрор-такрор айтдилар. Биз, шояд тўхтасалар-а, деб турар эдик».

Аллоҳдан (азза ва жалла) бошқа нарс билан қасам ичиш ҳам катта гуноҳ ҳисобланади. Ёлғон қасам ичадиганлар учун аламли азоб борлиги Қуръони каримда (3:77) хабар қилинган. Шунингдек, ҳадиси шарифда ҳам келган: «Ким (ёлғон) қасам ичиб, мусулмон кишининг ҳаққини ўзиники қилиб олса, батаҳқиқ, Аллоҳ унга дўзахни вожиб қилиб, жаннатни ҳаром қилади».

Уламолар ёлғон қасам ичиш, ёлғон гувоҳлик бериш, ёлғон гапиришни катта гуноҳлардан санашган. Аллоҳ (азза ва жалла) ҳамда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шаънларига ёлғон гапиришнинг хатарли оқибатлари ҳақида Қуръони карим ояти (39:60) ва кўплаб ҳадиси шарифлар ворид бўлган. Масалан: «Менинг номимдан ёлғон гапириш бошқа бировнинг номидан ёлғон гапириш билан бир хил эмас. Бас, ким менинг номимдан қасддан ёлғон гапирса, ўзига дўзахдан жой ҳозирлаб олаверсин»; «Мўмин одам ёлғон ва хиёнатдан бошқа ҳар қандай хусусиятга табиатан мойил бўлиши мумкин».

Сайфуллоҳ АШУРОВ тайёрлаган

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ

10-ДАРС

Фарз намозларига тобёъ бўлмаган, мустақил ўқиладиган суннатлар

Бу турдаги намозлар жуда кўп бўлиб, улардан имкон қадар келтиришга ҳаракат қиламиз:

1. Зуҳо намози. Бу намознинг вақти куёш бир найза бўйи кўтарилганда кириб (яъни, куёш чиққандан тақрибан ярим соат кейин), заволга бир соат қолгунча давом этади. Бу «дахватул кубро», яъни катта тонг, дейилади. Зуҳо намози камида икки ракат ўқилади, энг афзали тўрт ракатдир.

2. Таҳийятул масжид (масжид билан саломлашиш намози). Бу намозни ҳам икки ёки тўрт ракат ўқиса бўлади. Афзали тўрт ракатдир. Масжидга кирган киши жамоатнинг равотиб суннатларни ёки фарзни ўқиётганини кўрса, таҳийятул масжид намозини шу суннат ёки фарзларга қўшиб ният қилади. Шу билан у суннат ва ёки фарзга қўшиб таҳийятул масжидни ўқиганлик савобини олади. Аммо ният қилмай, суннат ёки фарзнинг ўзини ўқиса, таҳийятул масжиднинг савобига эришмайди. Таҳийятул масжид намозини масжидга киргач, ўтирмай туриб ўқиш суннатдир.

3. Таҳорат ёки гўслдан кейин ўқиладиган икки ракат намоз.

4. Сафарга чиқаётганда ва қайтгандаги икки ракатли намоз.

5. Тунги таҳажжуд намози. Бу камида икки ракат, кўпида эса хоҳлаганча ўқилади. Таҳажжуд нафл намозларнинг энг афзалидир, чунки у ҳамма ухлаб ётган вақтда ўқилгани учун риёдан узоқ, ихлосга яқин бўлади.

6. Истихора намози (яхшилик талаб қилиб ўқиладиган намоз). Бу ҳам икки ракат бўлиб, намоздан сўнг ушбу дуо ўқилади: «Аллоҳумма, инний астахийрука биъилмика ва астақдирука бикудротика ва ас-алука мин фазликал ъазийм. Фаиннака тақдиру ва лаа ақдиру ва таъламу ва лаа аъламу ва анта ғалламул ғуёуб. Аллоҳумма, ин кунта таъламу анна ҳа-азал амро хойрун лий фий дийний ва маъаший, ва тақибати амрий, ъажили амрий ва ожилиҳи, фақдурху лий ва яссирху лий, сумма баарик лий фийҳи. Ва ин кунта таъламу анна ҳа-азал амро шаррун лий фий дийний ва маъаший ва тақибати амрий, ъажили амрий ва ожилиҳи фасрифху ғанний вақдур-лил хойро хайсу кана, сумма роззиний бих», деб ҳожати айтилади.

Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг илминг билан Сендан яхшилик сўрайман. Сенинг қудратинг билан Сендан қодирлик ва улугъ фазлингни сўрайман. Сен (ҳар нарсага) қодирсан, мен қодир эмасман. Сен (ҳар нарсани) билувчисан, мен билмайман. Сен ғайбни билувчисан. Аллоҳим, агар мана шу қилаётган ишим динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун яхши бўлса, уни менга насиб эт ва осон қил. Сўнг уни менга баракотли қил. Агар мана шу ишим динимда, яшашимда, ишларимнинг оқибатида, дунё ва охиратимда мен учун ёмон бўлса, мендан уни узоклаштир, қаерда бўлса ҳам, мен учун яхшиликни тақдир қил ва мени ундан рози эт».

Дуодаги «мана шу иш» деган жойга келганда ўз ҳожатини зикр қилади, сўнгра ўша ишни қилиш ёки қилмаслик тўғрисида кўнгли мойил бўлган томонга ҳаракат қилади.

7. Ҳожат намози. Бу ҳам икки ракат бўлиб, намоздан форигъ бўлгач ушбу дуони ўқийди: «Лаа илаҳа иллаллоҳул



ҳалиймул карийм. Субҳаналлоҳи роббил ғаршил ғазийм. Алҳамду лиллаҳи роббил ғаламийн. Асъялука мужибати роҳматика ва ғазоима мағфиротика вал ғониймата мин кулли биррин, вассаламата мин кулли исмин, ла тадаъ лий занбан илла ғофартаҳу ва ла ҳамман илла фаррожтаҳу ва ла ҳажатан ҳийа лака ризон илла қозайтаҳа йа арҳамар роҳимийн» (Термизий ривояти).

Маъноси: «Ҳалим ва Карим Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Улугъ аршнинг Робби Аллоҳни поклаб ёд этаман. Оламлар Робби Аллоҳга ҳамд бўлсин. Раҳматингга мустаҳик қилувчиларни, мағфиратингни вожиб этувчиларни, ҳар бир яхшиликда ғаниматни ва ҳар бир гуноҳдан саломат бўлишни сўрайман. Менда бирор гуноҳ қолдирмасдан мағфират қилишингни, бирор ғам қолдирмасдан очиб юборишингни ва Ўзинг рози бўладиган бирор ҳожат қолдирмасдан раво қилишингни сўрайман, эй раҳм қилгувчиларнинг Раҳмлиси».

Қуйидаги дуо ҳам ҳожат намозининг дуоларидандир:

«Аллоҳумма, инний асалука ва атаважжаҳу илайка бинабиййика Муҳаммадин набиййир роҳмати, йа Муҳаммаду, инний таважжаҳту бика ила роббийй фий ҳажатий ҳазихи фатакзи лий. Аллоҳумма шаффиъху фиййа» (Термизий ва Аҳмад ривояти).

Маъноси: «Аллоҳим, мен Сенга юзланиб, Сендан пайғамбаринг, раҳмат набийси Муҳаммад (алайҳиссалом) билан сўрайман. Эй Муҳаммад (алайҳиссалом), мен бу ҳожатим раво бўлиши учун сиз билан Роббимга юзландим. Аллоҳим, у кишини менга шафоатчи қил».

8. Таровеҳ намози таъкидланган суннатлардан бўлиб, йигирма ракат бўлади. Жамоат бўлиб ўқиш суннати кифоядир, яъни баъзилар жамоат бўлиб ўқишса, қолганлардан жамоат бўлиб ўқиш суннати соқит бўлади. Аммо бир маҳаллада ҳеч ким жамоат бўлмаса, уларнинг ҳаммаси бу суннатни тарк қилган ҳисобланади.

Имом Бухорий ва Муслимлар ривоят қилган ҳадиси ша-рифда келишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазон ойидаги кечалардан бирининг ярмида масжидга чиқдилар. Шу чиқишлари уч марта бўлди. Рамазоннинг учинчи, бешинчи ва йигирма еттинчи кечалари масжидда намоз ўқидилар. Бошқалар ҳам у ерда намоз ўқишди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам улар билан саккиз ракат намоз ўқидилар, одамлар эса қолганини уйларида адо қилишди. Уларнинг

уйларидан хурмо дарахтининг шитирлаши каби овозлар келар эди.

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таровеҳ намозини ва уни жамоат бўлиб ўқишни саҳобаларга суннат қилиб қолдирдилар. Лекин улар билан йигирма ракат ўқимадилар. Ваҳоланки, ҳазрати Умар даврларидан ҳозирга қадар таровеҳ йигирма ракат ўқиб келинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар гал масжидга чиқиб таровеҳни ўқиганларида одамлар масжидда кўпаяверди. Учинчи бор чиққанларида масжидга одам сиғмасди. Шундан сўнг умматга таровеҳнинг фарз бўлиб қолишидан қўрқиб чиқмадилар. Бошқа бир ривоятларда шу хусусда ҳадислар келган. Яна ҳадиси шарифдан шу нарса маълум бўладики, таровеҳ намози Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда саҳобаларга ўқиб берган ракатнинг ўзигина эмас экан, балки ҳадиси шариф иборасига кўра, «Улар қолганини уйларида адо қилардилар». Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу ўзларининг халифалик даврларида одамларнинг рамазон кечаларида масжидга тўплаб, таровеҳни йигирма ракат жамоат билан ўқишни жорий қилдилар. Саҳобалардан бирор киши бу ишга қарши чиқмади. Ҳатто ҳазрати Умардан кейинги ҳазрати Усмон ва ҳазрати Алийдек ҳулофои рошидинлар мартабасидаги зотлар ҳам бу амални тўхтатишмади. Ваҳоланки, бу улўғлар диндаги бидъат амалларнинг рўпарасида ҳаргиз сабр қилиб тамошабин бўлиб туришмаган, балки у бидъат бўлса, ўз ўрнида тўхтатардилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборақ ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қилгандилар: «Ўзингларга менинг суннатимни ҳамда рошид ва маҳдий бўлган (яъни, ҳидоят, тўғри йўлдан юрувчи) халифаларимнинг суннатини лозим тутинглар, бунини ақл тишларининг билан маҳкам тишлаб олинглар». (Абу Довуд ривояти).

Абу Ҳанифанинг шогирдларидан бўлган Абу Юсуф устозидан: “Нима учун Умар розияллоҳу анҳу бу ишни қилган?” деб сўради. Абу Ҳанифа: “Таровеҳ суннати муаккадалардандир. Умар розияллоҳу анҳу бу ишни ўзидан ўйлаб чиқиб жорий қилгани йўқ. У ҳаргиз бидъатчилардан бўлмаган. У мусулмонларни нимага буюрган бўлса, ўзи билган диндаги асл нарсасига, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам замонларида бор бўлган амалга буюрган”, деб жавоб бердилар.

Таровеҳ намози витрдан ташқари йигирма ракатдир. Унинг вақти хуфтон намозидан кейин бомдод вақти киргунча давом этади. Витрдан олдин ҳам, кейин ҳам ўқиш дуруст бўлади, лекин афзали витрдан олдин ўқишдир. Таровеҳ икки ракатдан ўқилади, ҳар тўрт ракат ўқилгач, бир оз истироҳат учун ўтириш маъқулдир. Саҳобаи киромлар ҳам худди шундай қилишарди. Таровеҳ (истироҳат) намози деб номланишининг ҳам асл сабаби шудир. Чунки таровеҳ роҳатланиш маъносидадир. Намозхон шу ўтиришда зикру тасбеҳга машғул бўлади ёки сукут сақлайди. Бизнинг диёрларда ушбу ўринда қуйидаги каби тасбеҳлар ўқиш одат бўлган:

“Субҳана зил мулки вал малакути, субҳана зил ғиззати ва ғазомати вал қудроти вал қибрияи вал жабарути, субҳанал маликил ҳайил лазий ла ямуту, суббухун қуддусур Роббуна ва Роббул малаикати вар руҳи, ла илаҳа иллоҳу настафйруллоҳ, ва насалукал жанната ва наъзу бика минан нар”).

Таровеҳ намозларида Қуръони Каримни бир бора хатм қилиб чиқиш ҳам Рамазон ойининг суннати. Афзали имом жамоатнинг ҳолига риоя қилиб қироатни бир оз тезлатади, лекин шарт шуки, тезлик намозни бузадиган ёки намозхонлар англай олмай қоладиган даражада бўлмасин. Та-

ровеҳ намозларида Қуръони Каримни хатм қилишдан қавм малолланса, имом бунини эътиборга олмай, суннатни адо қилаверади. Фотиҳадан кейинги зам сурани узун оятдан бир оят, қисқа оятдан уч оят миқдоридан кам ўқиб қўйиш ҳаромга яқин макруҳлардан ҳисобланади. Чунки бунда вожибни тарқ қилиш бор. Таровеҳнинг ҳар икки ракати мустақил намоз бўлиб, уларга алоҳида ният қилинади, такбири таҳримадан сўнг эса сано ва «Аъзу...», «Бисмиллаҳ...»лар ўқилади. Қандада ташаххушда қўшимча савовот ва дуоларни ҳам қўшади ва ҳоказо. Таровеҳ намозларини қиёмга қодир бўлатуриб ўтириб ўқиш ҳам дурустдир. Аммо қиёмда туриб ўқиса, ўтириб ўқигандан кўра афзалроқ бўлади. Имомга эргашувчи ўтирган ҳолида ҳам иқтидо қилса дуруст, аммо қиёмга қодир бўлатуриб, то имом рукуъга боргунча қиёмни кечиктириш макруҳ ҳисобланади. Чунки бунда ибодатга дангасалик қилгани зоҳир бўлади. Таровеҳ намозининг масжидда адо қилиниши маъқулдир. Зеро, шариатга кўра, жамоат бўлиб адо қилинадиган ибодатларнинг афзалроғи масжидда бўлгандир. Таровеҳ намозининг вақти чиқиб кетса, қазоси ўқилмайди. Чунки қазо фарз ва вожиб амалларгагина хослангандир. Мабодо, бирор киши таровеҳнинг қазосини ўқиса ҳам, у мутлақ нафл намозлар жумласига кириб кетади, барибир таровеҳнинг ўрнига ўтмайди. Таровеҳ намози рўзанинг суннатларидан эмас, балки рамазон ойидаги суннатлардан ҳисобланади. Шу сабабли таровеҳ намозини ўқиш мусофир учун, рўза тутмаган узрли касал учун ҳам суннат бўлади. Маълумки, бу кишиларга рўза тутиш шарт эмас эди. Шу билан бирга ҳайз ва нифос кўраётган аёллар ҳам агар куннинг охирида пок бўлишса, таровеҳни ўқишлари суннат ҳисобланади.

9. Ой ёки қуёш тутилганда ўқиладиган намоз. Қуёш тутилган вақтда икки ёки тўрт ва ё ундан кўпроқ намоз ўқиш суннатдир. Афзали бир ёки икки салом билан тўрт ракат, камида икки ракатли нафл намоз кўринишида ўқилади. Бу намоз жамоат бўлиб, азон ва иқоматсиз, қироатни жаҳрий қилмай ва хутба ўқимасдан адо қилинади. Инсонларни тўплаш учун «Жамоат намозига!» деб чақирилади.

Қуёш тутилганда ўқиладиган намозни жума намозида имомлик қиладиган киши имом бўлиб ўқиб бериши лозим. Агар у бўлмаса, султоннинг рухсати билан тайин қилинган киши ўқиб бериши керак. Агар булар ҳам бўлмаса, одамлар ўзлари ёлғиз-ёлғиз бўлиб, ўз манзилларида ўқишади. Ушбу намознинг биринчи ракатида Фотиҳадан сўнг Бақара сураси каби, иккинчи ракатида Оли Имрон сураси каби узун сура-ларни қироат қилиш суннатдир. Агар ракатдаги қироатларни енгил қилса, намоздан кейинги дуони узун қилади. Ҳадиси шарифда келишича, муҳими инсонлар қуёш тутилган вақтда намоз ва дуо билан машғул бўлишлари керак. Агар қироатни узун қилсалар, дуони қисқа қилдилар, дуо узун бўлса, қироат қисқа қилинади. Қуёшнинг тутилиши йўқолгунча намоз ва дуога машғул бўладилар. Рукуъ-саждаларни ҳам беҳад узун қилишади. Имом қиблага юзланиб ўтиради ва хоҳлаганча дуо қилади, одамлар эса дуога қўл очиб “Омин” деб турадилар.

Ой тутилганда ўқиладиган намоз ҳам худди қуёш тутилганда ўқиладиган намоз қабидир. Лекин бу намозни ўқиш мустаҳаб бўлиб, уни масжидда йиғилиб, жамоат ҳолида ўқиш шариатда йўлга қўйилмаган, балки ҳар ким ўз уйида ёлғиз-ёлғиз бўлиб адо қилади. Қуёш ва ой тутилганда ўқиладиган намозлар бирор даҳшатли воқеа содир бўлганда ҳам ўқилади. Мисол учун, қаттиқ зилзилалар, бир воқеа сабаб кўпчилиكنинг ўлиб кетиши, шиддатли шамоллар, қундуз қуни атрофни қўрқинчли қоронғулик ўраб олиши ва шу каби

вахимага соладиган ходисалар содир бўлиши билан намоз ўқиш, гуноҳлардан четланиш, инсонлар ўзларини тўғри-лашлари ва нажот топишлари учун сабаб бўладиган ибодатларга қайтишлари одатий ҳолдир. Ибодатлардан узоқлашиб, гуноҳ кўчасига кириб қолган бандани Роббига қайтариб, Унга яқинлаштирадиган энг яхши ибодат намоздир.

10. Ёмғир сўраш намози (истиско) – сувга муҳтож бўлиб қолинганда Аллоҳ таолодан бандаларининг ёмғир талаб қилиб ўқиладиган намоздир. Буни яшаётган жойларининг сувидан экинларию хайвонларини суғориб турган, дарё, анҳор ва булоқлари бўлмаган одамлар ўқишади. Мабодо, анҳор ва булоқлари бўлса ҳам, эҳтиёжларига етмаётгани сабабли ушбу намоз ўқилади. Истиско намози худди икки ҳайит намози каби адо қилинади, лекин бунда зоида тақбирлар айтилмайди. Намоз ўқиб бўлингач, ерда ўзаро туриб иккита хутба ўқиш мустаҳаб амаллардандир. Аммо ҳайит намозларидек минбарга чиқиб хутба ўқиш макруҳдир. Ҳайит намозидоғи хутба тақбирлари ўрнига имом истиғфор айтади. Икки хутбанинг ўртасини бир оз ўтириш билан ажратади. Имомнинг хутба мобайнида қибла томонга юзланиб туриши мандубдир. Хутбадан бир оз кейин имом кийимини тескарисига ағдариб кийиб олади ва тасбеҳ айтиб, мўминлар ва мўминалар ҳаққи-га истиғфор айтади. Лекин имомга эргашган инсонлар кийимларини тескарисига ағдариб киймайдилар. Кейин имом одамлар томонига юзланиб, тик турган ҳолида истиско дуосини ўқийди. Одамлар эса қиблага юзланиб ўтиришади ва имомнинг дуосига “Омин” дейишади.

Истиско дуоси: «Аллоҳумма ағисна, Аллоҳумма ағисна, Аллоҳумма ағисна. Аллоҳумма суқйа роҳматин вала суқйа азобин вала маҳқин вала балоин вала ҳадмин, Аллоҳумма ғалаз зироби ва манабитиш шажари ва бутунил авдийати. Аллоҳумма ҳаволайна вала ғалайна Аллоҳуммаскина ғойсан муғийсан ҳанийъан марийъан ғодакон мужаллилан саҳҳан омман тобақан даиман. Аллоҳуммаскинал ғойса вала тажъална минал қонитийн. Аллоҳумма анбит ланаз заръа ва адирра ланад даръа ва анзил ғалайна мин барокатил арди вакшифъаннаа минал балои маа лаа йакшифуху ғойрука. Аллоҳуммаски ғибодака ва баҳоимака ваншур роҳматака вааҳйи баладакал маййита. Аллоҳумма анталлоху ла илаҳа илла анта антал ғониййу ва наҳнул фуқароу анзил ғалайнал ғойса важъал ма анзалта лана қувватан ва балаган ила ҳийн. Аллоҳумма инна настағфирука иннака кунта ғоффаро, фаарсилис самаа ғалайна мидроро».

Истиско намози учун маскандан четроққа уч кун кетма-кет чиқиш мустаҳабдир. У ерга зиммийлар олиб чиқилмайди. Ҳар кун чиқишдан олдин мусулмонлар тавбаларини янгилаб, зулмларига тавба қилиб, бева-бечораларга садака қилишлари ҳам мустаҳаб амаллардандир. Ҳар бир мусулмон ер юзидаги барча мусулмон биродарлари ҳаққи-га истиғфор айтади.

11. Мутлақ нафллар. Намозхон киши юқоридагилардан ташқари яна ўзи хоҳлаганича нафл намозларини ўқиши мумкин.

Нафлларга тегишли ҳукмлар

Кундузги нафл намозларни тўрт ракатдан, тунгиларини эса икки ракатдан ўқиш суннатдир. Қиёмга қодир бўлатуриб ўтирган ҳолда ўқиш жоиз, лекин савобнинг ярмига эришади. Тик туришга қодир бўлмаган кишининг ажри тик туриб ўқиганнинг ажри билан тенг. Ўтириб ўқийдиган кишининг узри бўлмаса, бошқа намозлардаги ташахху ўқийдиган киши-дек ўтиради. Нафл ўқишга киришган кишининг намози агар

икки ракатни тўлиқ тугатмай туриб бузилса, унинг қазосини ўқиб қўйиши вожиб бўлади.

Нафл намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтлар

Қуйидаги пайтларда нафл намоз ўқиш ҳаромга яқин макруҳ ҳисобланади:

1. Субҳ киргандан бомдод ўқилгунга қадар. Фақат субҳнинг икки ракат суннатини ўқишга рухсат бор, холос.

2. Бомдод ўқилгандан то куёш чикқунга қадар. Бу фурсатда умуман нафл намозлари ўқилмайди, гарчи намозхон бомдоднинг ёлғиз суннатини қазо қилган бўлса ҳам. Чунки субҳ суннатининг ёлғиз ўзини ўқий олмаган киши кейин қазосини ўқимайди. Фарзини қўшиб қазо қилганида эди, куёш найза бўйи кўтарилгач, иккисининг қазосини ўқиган бўлар эди. Бунинг масаласи юқорида ўтди.

3. Куёш чиқиб то бир найза микдори кўтарилгунча. Куёш тақрибан ярим соат чамасида бир найза кўтарилади.

4. Куёш тиккага келгандан то заволга оққунча.

5. Аср намозидан то шом намозини ўқиб бўлгунча.

6. Имом хутба ўқиш учун минбарга чиққан вақтда. Хоҳ жума хутбаси, хоҳ истиско хутбаси, хоҳ бошқаси бўлсин, барибир. (Изоҳ: бизнинг диёрларда имом жума кунлари аввал ваъз қилади ва сўнг жума намозидан олдин хутба ўқиш учун минбарга чиқади. Намоз ўқиш жоиз бўлмаган вақт шу имом минбарга кўтарилган фурсатдир. Аммо имом хутбадан олдин маъруза қилаётган бўлса, масжидга келган намозхон имом турган хонадан бошқа ўринда, таҳйиятул масжид намозини ўқиб олиши дуруст бўлади. Ҳанафий мазҳабида имом минбарга чиққанидан кейин намоз ўқиш ҳаром. У хутбани бошлаганда эса, саломга алик олиш, акса урганга яхши тилак айтиш, Қуръон ўқиш ва шунга ўхшаган нарсалар ҳам мутлақо мумкин бўлмайди. Валлоху аълам).

7. Муаззин фарз намозига тақбир айтаётганда. Фақат бомдод намозидида суннатни ўқиб, фарзга етиб олишига ишонса, шу суннатни тақбир айтилаётган вақтда ҳам ўқиш жоиз бўлади. Бунда суннатни имомдан узоқроқ ерда ёки бошқа хонада ўқиб олади. Муҳими, суннатни ўқиб олиб, фарзга етиб олса бўлди.

8. Масжидда ҳайит намозидан олдин ҳам, кейин ҳам нафл намози ўқиш макруҳ.

9. Ҳожилар Арафотда пешин билан асрни пешин вақтида жамлаб ўқишади, бу жамъи тақдим, дейилади. Шу пайтда икки жам қилинаётган намоз ўртасида ҳам нафл намозларни, ҳатто пешиннинг суннатларини ҳам ўқиш макруҳдир. Муздалифада эса шом билан хуфтонни ҳожилар хуфтон вақтида жамлаб ўқишади. Бу жамъи таъхир, дейилади. Шу икки жам қилинаётган намознинг ўртасида ҳам, гарчи шомнинг суннатини бўлса-да, ўқиш макруҳдир.

10. Фарз намозларидан бирортасининг вақти тор бўлиб қолса ҳам, нафлларни ўқиш макруҳ ҳисобланади.

11. Худди шунингдек, яна хушуъни кетказадиган ҳар қандай муҳим иш ҳозир бўлгандаги ўқилган намозлар макруҳ бўлади. Ниҳоятда оч қолган ёки чанқаган кишига овқат ёки сув олиб келинса, ўз нафсини қондириб олиб, кейин намозга туриши керак. Яна қаттиқ чарчаган киши ҳам бироз дам олиб, сўнг намоз ўқиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар шу юқорида эслаб ўтилган вақтларда нафл намозлар ўқилса, макруҳи таҳрима билан адо топади. Ким ушбу пайтларда намозни бошлаб қўйса, уни бузиб намоз ўқиш макруҳ ёки ҳаром бўлмаган бошқа вақтларда ўқиши маъқулдир.

Аброр МУХТОР АЛИЙ таржимаси.

ҚЎШИҚЧИЛИГИМИЗ

ХАССТА...

Баҳодир НУРМУҲАММАД.

Бир куни телемухбирлардан бири келиб, бугунги кун қўшиқчилиги ҳақида фикр билдиришимни сўради. Бу соҳа мутахассиси эмасман, бир оз иккиланиб розилик бердим. Суҳбат бўлди. Аммо дастур эфирга узатилгач, кўриб, тўғриси, кўнгил тўлмади. Энг муҳим гап айтилмай қолгандай бўлаверди. Шу боис мавзуга қайта назар ташлашга зарурат сездим.

Бугунги қўшиқлар касалманд. Унга ташхис қўйиб, даволаш йўллари излашга эҳтиёж бор. Буни ҳеч ким инкор этмайди. Қўшиқларда ҳаёсиз, асаббузар вируслар кўп. Айниқса, бир мақомда бир сўз тинимсиз такрорланадики, бунинг санъатга қандай дахли бор, англаш қийин.

Эрками-аёлми, кексами-ёшми ҳамма улар билан ҳар куни учрашади. Албатта, хонишларини телеэкранда кўрасиз ёки радио эфиридан эшитасиз. Қўшиқ эшитаётган одамнинг маънавий қаёфасини тасаввур қилиш озгина фаросати бор одамга унчалик қийин эмас. Ликиллама мусиқанинг енгил-елпи сўзларига ликилламасдан қулоқ солишнинг ўзи кифоя.

Мактаб ёшидагилар нари турсин, боғча боласининг ҳам ўша қўшиқларга маҳлиё бўла бошлагани ҳақиқат. Бу кетишда боланинг маънавий-руҳий оламида ямаш имконсиз баҳайбат йиртиқлар пайдо бўлади. Қўшиқ санъатида бамаъни сўз, завқли мусиқа, гўзал оҳанг ўрни ва аҳволига баҳо бера билмайдиган дидсиз калтабинлар авлоди шаклланади. Бу хатарли. Радио ва телевизорда берилаётган «замонавий эстрада» намуналарида ўзбекона табиатимизга, мусулмонча урф-одатларимизга номувофиқ беҳаё қилиқлар (қитмирлик, дегани тўғрироқ) бор. Маънавий юк, масъулиятдан гап очилгудек бўлса, дарҳол моддият, пули тўлангани рўкач қилинади, бизнес замонида яшаётганимиз эслатилади. Қўшиқчиликдан мақсад пул эканини яширишмайди. Шарм-ҳаё, иффат, одамийлик, уят, андиша туйғуларини оёқ ости қилаётган пул! Шу билан бирга қўшиқ айтаётган одам машҳур

бўлишни, тарих саҳифаларида ном қолдиришни ўйлар экан. Бу эса Комилжон Отаниёзов, Юнус Ражабий, Ботир Зокиров каби чин маънодаги истеъдодлиларгагина насиб қилади. Яхши ном мангуликка дахлдордир.


Беш ёшлардаги бир болакай барча телеканалларни эгаллаган корейс филмларини томоша қилатуриб, ўша миллатга ўхшашни хоҳлаган экан. Бу кулиб айтиладиган ҳангома эмас. Бу фожеа. Бола, худди шунингдек, аллақайси қўшиқчилар шакли-шамойилига ҳам тақлид қилиши мумкин. Эчкига жон қайғуси, қўшиқчига шуҳрат. Маънавий-ахлоқий қиёфа, мусиқий тарбия, гўзалликни англашдаги дид-фаросат қайси сўқмоқлардан кетаётгани билан қўшиқчининг нима иши бор?! У эл оғзига тушса, сахнада хиром айласа, тўйларда ялла қилса бўлди...

Қолбуки, санъат кошонаси покиза, унга жулдур, авратни ҳам ёппайдиган йиртиқ либос, лойга ботган ифлос оёқ кийимда кириш уят. Вазифаси инсон қалбини гўзалликка ошно қилиш бўлган қўшиқчилик санъатининг ҳоли бугун абгор. Бу даргоҳга кеча кирган ва бугун кираётганларнинг маънавий ҳуқуқи борлиги ҳақида ўйлашга юрак бетламайди. Зотан, бу ҳуқуқни олий ўқув юртини битирганини билдирувчи диплом ҳам бермайди. Овозкучайтиргич, турли электрон асбоб-ускуналар ёрдамида (илҳом эмас) бирор хорижий мусиқага эргашиб ясалган «қуй»га тил синдирадиган ўзбекча сўзлар илова қилинади. Инглиз ёхуд французча талаффуз қилинадиган «матн» жуда саёз, унинг бадииятга алоқаси хусусида гапириш ҳам ортиқча. Бу «матн»дан вазн, қофия, бадиий санъат, латиф ва гўзал ҳис-туйғулар ифодаси каби «арзимас» унсурларни қидириш вақт ўлдиришнинг энг ишончли усулига айланиб бўлган. Ўн гулидан етти-саккизтаси очилиб бўлган хонанда аёл тинмай ўз ошиғини чорлайди, юзига йиллар бешафқат муҳр босиб ташлаган ҳофиз уйланишдан бетўхтов хониш қилади. Ёш «юлдуз»ларнинг ҳоли ҳам шу атрофда. Бири «Энди

бизга куёв бўлинг», дейди, бошқаси кўрпа-ёстиқ излаб юради. Буларнинг барчаси эстетик дидни сўндиришга, кўнгилни жароҳатлашга хизмат қилади, холос.

Саҳнага чиқаётган замонавий кўшиқчиларнинг кийим-кечаги ҳам репертуарларига яраша: калта-култа, йиртиқ, айримларини либос дейишга тил бормайди (худди хонишларини кўшиқ аташга ботинилмагани каби). Аслида улар асосий эътиборларини сўз санъати, дилкаш оҳанг ва ориги-

нал мусиқага эмас, соч турмаги, пардоз, саҳна безаклари ва шунга ўхшаш ташқи омилларга қаратишади. (Энди ўзбек оиласининг бундай «томошалар»ни кўришини тасаввур қилинг.) Бу кўшиқчиларнинг маънавий-руҳий дунёси ноқис бўлиши табиий. Буни ҳеч қандай сершовқин мусиқаю сербезак либос беркитолмайди, бу қусур ҳар анжуманда ошкор бўлиб қолаверади. Шундай ҳолларда «кўшиғини айтиб кета бергани туюк эди», деб ўйлаб қоласан киши.



Воқеа

Феврал ойи эди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан уюштирилган илмий-адабий анжуманда қатнашдим. Шоирнинг ҳарбий маҳорати, латиф ғазаллари ва уларнинг бадиий савияси, бетакрор гўзаллиги тўғрисида мароқли суҳбат бўлди. Ёш ҳаваскорлар шоирнинг ҳаётига оид саҳна кўринишларини намойиш қилишди. Талабаларнинг шоир шахсиятига, шеърятига қизиқишлари ортгани уларнинг қиёфасидан, кўзларидан, саволларидан яққол сезилиб турарди.

Бошқарувчи даврада Бобур ғазалларини куйга солган таниқли хонанда қатнашаётганини эълон қилди. Талабаларнинг кўзларида қувонч чақнади, ўша гўзал ғазалларнинг мусиқий талқинини эшитиш умиди порлади. Шунда бу хонанда хоним:

«Азизлар, гўзаллар, муҳтарам талабалар, ҳаммангизни бугунги севишганлар куни бўлмиш Валентин куни билан муборакбод этаман», деса бўладими? Қий-чув кўтарилди. Бу эътирозми ё эътирофми, англаб бўлмади. Нима бўлганда ҳам анжуманнинг маънавий-маърифий самараси ҳавога учган эди. Бобур ғазалларини куйлаб мукофотлар олган бу кўшиқчи ўзи айтаётган табрик моҳиятидан бохабармиди? Бутун диққат-эътибор ўзбекнинг машҳур адабий сиймосига қаратилган бир вазиятда севишганлар кунини тилга олиш хонанда савиясини кўрсатди-қўйди. Эл назаридаги киши гапини ўйлаб гапиргани маъқул.

Кўшиқ инсоннинг маънавий-руҳий дунёсига таъсир қилади. Инсондаги завқни тарбиялайди. Буюк кўшиқлар, умидли кўшиқлар, маҳзун ва завқли кўшиқлар воситасида шаклланган

авлодларни биламиз.

Кўшиқ гўзаллиги энг аввало шеърини матн пухталигига боғлиқ. Ҳозирга қадар қайта-қайта эшитиладиган, санъатимиз хазинасидан ўрин олган кўшиқлар аввало шеърини матн ҳолида машҳур бўлгани аниқ.

Бугун санъатнинг деярли ҳар бир тури ўз мунаққидига эга. Уларнинг мақолалари матбуотда босилиб туради. Бироқ кўшиқшунослар кўшиқ айтаётган одамга эътибор бераётгани йўқ. Умуман, бизда кўшиқ танқидчилиги шаклланган эмас.

Ҳозирги кўшиқчиликдаги бе-маъни, ночор ҳолатни қандай ўнглаш мумкин? Бош муаммо шу! Болаларнинг маънавий-руҳий дунёсига енгил-елпи кўшиқлар даражаси шаклланиб қолмаслиги учун нималар қилиш лозим? Сиз ҳам бир ўйлаб кўринг! Имконини топсангиз, ўнглаб қўйинг!

КЎРИШИШ ОДОБЛАРИ

1. Қўл бериб кўришишда қуйидагиларга риоя қилиш лозим:


Рўпарама-рўпара бўлиб кўришиш керак. Бировнинг ортидан келиб қўл ушлаш ҳақиқий қўл бериб кўришиш ҳисобланмайди. Бу нарса фақат зарурат юзасидангина инобатга олиниши мумкин. Кўришганда юзма-юз бўлиш, кўз кўзга тушиши керак, бошқа томонга қараб, у ёқ-бу ёққа аланглаш одобдан эмас. Айрим кишилар тортинчоқликданми ё бошқа бир сабабданми, кўришганда нигоҳни бошқа томонга олиб қочади. Нигоҳни ерга бериб кўришиш ҳам бир қарашда одобга ўхшаса-да, аслида суннатга хилоф ишдир, шу боис, у қалбга сингмайди, томонлар ўртасида самимий муҳаббат пайдо бўлишига хизмат қилмайди.

2. Ўнг қўл билан кўришиш. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам барча шарафли ишларида ўнг қўлни ишлатишни яхши кўрар эдилар. Қўл бериб кўришиш ўнг қўл билан кўришганда адо бўлади. Зиёуддин Ҳанафий айтади: «Шариат одобларидан равшанки, кўришишда суннат ҳосил бўлиши учун икки томондан ҳам ўнг қўл ишлатиларди. Чап қўл билан чап қўлни ёки ўнг қўлни ушлаш билан суннат ҳосил бўлмайди». Ўнг қўл билан кўришиш келишув ва кўришишдаги асл ҳисобланади.

3. Ўнг қўл билан кўришганда чап қўлни кўксга қўйиш. Бу зиёда ҳурмат рамзи ҳисобланади. Аммо ўнг қўлни узатиб, чап қўлни чўнтакда сақлаш ўта кетган беодобликдир. Бу каттадан содир бўладими, ёки кичикданми, фарқи йўқ, кибр ва манманлик аломати ҳисобланади.

4. Икки қўллаб кўришиш. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг таъкидлашларича, «Қўл бериб кўришишнинг суннاتини унинг икки қўл билан бўлиши мукамал қилади». Имом Бухорий бу ҳақда алоҳида боб очиб, унга «Икки қўллаб кўришиш» деб ном қўйган ва унда Ҳаммод ибн Язиднинг Ибн Муборак билан икки қўллаб кўришганини ҳамда Ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга ташаҳҳудни ўргатдилар, кафтим у зотнинг икки кафтлари ўртасида эди», деганини далил қилиб келтирган.

Аллома Ибн Баттол ушбу ҳадисларнинг шарҳида жумладан шундай дейди: «Икки қўллаб кўри-



шиш қўл бериб кўришишни маромига етказишдир. Бу – уламолар наздида мустаҳабдир».

Икки қўллаб кўришиш кўпчилик жамиятларда зиёда эҳтиром ва муҳаббат аломатидир. Аммо бу борада урфни ҳам эътиборга олиш лозим. Чунки айрим жойларда икки қўллаб кўришиш умуман одат бўлмаган ёки аксинча, ҳурматсизлик ҳисобланиши ҳам мумкин. Шу боис, кўришишдан кўзланган мақсад ҳосил бўлиши учун бу хусусда урфни эътиборга олиш жуда ҳам муҳим. Икки қўллаб кўришаётган киши билан икки қўллаб кўришиш таъкидлироқ ва одобга мувофиқроқдир.

5. Қўлни тўлиқ узатиш. Бир қўл билан кўришганда ҳам, икки қўл билан кўришганда қўлни тўлиқ узатиш катта аҳамиятга эга. Чунки қўл узатиб кўришиш дегани фақат билакни кўтариб кўришиш дегани эмас. Шу боис, қўлларни узатганда тирсакларни гавдадан узоқ тутиш керак. Акс ҳолда, кишида мутақаббирлик кўриниши юзага келиши табиий.

6. Қарши томоннинг қўлини бироз ўзига тортгандек ҳайъатда бўлиш. Кўришганда кўришаётган одамани ўзидан узоқлаштиришга интилиш ундан нафратланиш, аразлаш белгиси бўлади. Бировга нисбатан бу каби тасарруф мусулмон кишига дуруст эмас.

7. Кафт кафтга тегиши даркор. Қўл бериб кўришганда кафт кафтга тегиши, маҳкам ушланиши лозим. Араб тилида қўл бериб кўришишни «мусофаҳа» дейилади. Бу сўзнинг асл маъноси кафт-ни кафтга текказишдир. Ҳадисларда ҳам қўл бериб кўришиш деганда айнан шу феъл қўлланилган ва

мазкур маъно назарда тутилган. Шунга кўра, Бармоқларни текказиб қўйиш, қисиб қўйиш, қўл учиди кўришиш қўл бериб кўришиш саналмайди. Бу кибр ва манманлик аломати ҳисобланади.

8. Кўришганда қўл тоза, покиза бўлиши лозим. Ювуқсиз, кир, бадбўй қўл билан кўришиш қарши томонга озор бериши, кўнгилни хира қилиши турган гап. Шу боис, кўришганда қўлнинг тозаллигига эътибор бериш лозим. Агар қўл нопок бўлса, кўришмасликка узр бўлади. Иложи бўлса, қўлга бирор хушбўй суртиб олиш, ҳеч бўлмаса уни хушбўй совунда ювиб юриш мустаҳабдир.

Имом Бухорий Собит Бунонийдан ривоят қилишича, Анас розияллоху анху эрталаб дўстлари билан кўришиш учун қўлларига хушбўй мой суртиб олар эканлар.

9. Қўлқоп кийган ҳолда, шунингдек, қўлда бир нарса ушлаб турган ҳолда кўришиш ҳам одобдан эмас. Бу нарса бирор узрли сабаб билан, истисно тариқасида жоиз бўлиши мумкин.

10. Очиқ юз билан кўришиш. Қўл бериб кўришганда ҳар қандай ҳолатда ҳам қарши томоннинг юзига очиқ чеҳра билан юзланиш лозим.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Ҳар бир маъруф садақадир. Биродарингга очиқ юз билан йўлиқшининг ҳам маъруфдандир», дедилар.

Имом Муслим Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: «Маъруфдан ҳеч бир нарсани ҳақир санама, ҳатто биродарингга очиқ юз билан йўлиқшининг ҳам», деганлар.

Маъруф бу – соф инсоний табиатга таниш бўлган, шарият ва ақл яхши санаган амал, сўз ва нијатдир. Унинг тескарисини мункардир. Демак, биров билан учрашганда унга очиқ юз билан муомалада бўлиш ҳам маъруф ишлардан, Аллоҳ ва Унинг Расули яхши санаган амаллардан экан. Бундан унинг аксини қилиш мункар иш экани келиб чиқади.

11. Кўришиш асносида Аллоҳ талола ҳамд ва истиғфор айтиш. Бу иш мустаҳаб саналади ва кўплаб яхшиликларга сабаб бўлади.

Баро ибн Озиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Набий соллalloҳу алайҳи васаллам: «Қачон икки мусулмон учрашиб, қўл олиб сўрашсалар, Аллоҳга ҳамд айтсалар ва У зотга истиғфор айтсалар, икковлари ҳам мағфират қилинади», дедилар» (Абу Довуд ва Ибн Сунний ривоят қилишган).

12. Кўришгандан сўнг қўлни тортиб олишга шошилмаслик. Бу ҳам ҳурмат ва эътиборнинг аломатидир. Кўришиш биланоқ қўлни тортиб олишга шошилиш қандайдир норозилик, тоқатсизлик белгиси бўлиб, қарши томонга озор бериши, унинг кўнгилга тегиши мумкин. Шу билан бирга, бу уни

менсимаслик, ундан безорлик аломати бўлиб ҳам кўриниши эҳтимолли бор. Шунинг учун Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қўл бериб кўришганда қўллари биринчи бўлиб тортиб олмас эдилар. Айрим ҳолларда кишиларнинг кўришиб-ла, тезда бошқа томонга бурилишга интилиши ҳам одобга зид. Зеро, кўришиш учрашувнинг бошланишидир, тугаши эмас.

13. Бир жамоа кишилар билан кўришганда уларнинг ичидаги энг ҳурматлисидан бошлаб кўришилади. Кейин унинг ўнг тарафидагилар билан, сўнг чап тарафидагилар билан кўришилади. Агар жамодагилар деярли бир хил мақомдаги кишилар бўлса, ўнг қўлдан бошлаб кўришилаверади.

14. Бирор юмуш билан банд бўлиб турган, тиловат қилиб турган, гаплашиб турган, таомланаётган киши билан ўзи қўл чўзмагунча ёки шунга ишора бўладиган бирор ҳаракат қилмагунча кўришилмайди.

15. Ўтирган кишиларнинг ҳузурига келганда кўришиш учун уларни безовта қилиш одобдан эмас. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам кейин келган киши дарҳол бўш жойга ўтириб олишини тавсия қилганлар. Аммо ўтирганлар ўзлари туриб, кўришишни истасалар, шунга рағбат қилсалар, у ҳолда кўришишнинг зарари йўқ.

Қучоқлашиб кўришишда ҳам ўзига яраша одоб ва меъёрларга риоя қилишни унутмаслик лозим. Жумладан:

1. Ҳар сафар қучоқлашиб кўришмаслик. Оддий ҳолатларда ҳар гал қучоқлашиб кўришавериш ҳам яхши эмас. Чунки суннатда кўришишнинг ҳақиқий шакли қўл бериб кўришишдир. Қолаверса, ҳар сафар қучоқлашиб кўришиш айрим ноқулайликларга ҳам сабаб бўлиши мумкин.

2. Қучоқлашиб кўришганда кийимлик ҳолатда бўлиш. Шунга кўра, кўйлак, тўн каби устки кийим бўлмаганда қучоқлашиб кўришиш танзихий макруҳ саналган.

3. Хушбўй ҳолда бўлиш. Ҳеч бўлмаса, нохуш ҳидлардан холи бўлиш лозим. Терлаб турганда, кир-чир иш кийимларда қучоқлашиб кўришиш одобдан эмас. Саҳобаи киромларнинг оддий қўл бериб кўришиш учун ҳам қўлларига хушбўй суртиб юрганлари юқорида айтиб ўтилди. Демак, қучоқ очиб кўришганда бунга янада эътибор бериш зарур бўлади. Айниқса, ёз кунларида, терлаб турганда қучоқлашиб кўришиб бўлмайди, кишига озор беради. Шунингдек, бўйин ва юзлар ҳўл бўлганда уларни қарши томонга текказишдан ҳам сақланиш лозим.

4. Кўксини кўксига олиб бориш. Одатда “қучоқлашиб кўришиш” деганда деярли барча халқларда бир хил ҳолат назарда тутилади: кўкрак кўкракка текказилади, бошлар елка устига олинади. Биз ҳа-

дисларнинг таржимасида «кучоқлашиб кўришиш» деб берган сўз ҳам айна шу маънога далолат қилади. Бу сўз аслида «бўйин уриштириш», аниқроғи, «бўйинни бўйинга яқин олиб келиш», «бўйиндан қўлни ўтказиб, ўзига тортиш» деган маъноларни англатади.

Демак, ҳадисларда назарда тутилган, мусулмонларга қадимдан маълум бўлган ва уларнинг ўзаро муносабатларида муомалада бўлиб келган кучоқлашиб кўришиш елкаларни яқинлаштириб, кўкракларни бериб кўришиш экан. Бундан келиб чиқадики, ҳозирда урфга айланаётган бош уриштириб кўришиш ҳақиқий маънодаги кучоқлашиб кўришиш ҳисобланмайди. Чунки бу аслида мусулмонлар ода-тидан эмас. Агар бу яхши иш бўлганида, олдинги ва бугунги уламоларнинг шундай қилаётганларини кўрган бўлар эдик. Бу тур кўришиш бизга ажнабийлардан, мусулмон бўлмаганлардан кириб келганини ҳам унутмаслик лозим. Мусулмон киши кимга тақлид қилаётганига эътибор бериши керак. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўзини бирор қавмга ўхшатса, у ўшалардандир», деганлар.

Шунингдек, уламоларимиз кучоқлашиб кўришганда елкани яқинлаштириб, белни узоқроқ тутиш лозимлигини алоҳида таъкидлаганлар. Акс ҳолда, бундай кўришиш ахлоқсизлик кўринишига ўхшаб қолади.

Айрим кишиларда кузатиладиган яна бир нотўғри кўришиш шаклларида бири қорин уриштириб кўришишдир. Бу борада ҳам юқоридаги сўзларни айтиш мумкин. Қолаверса, бу қарши томонга озор бериши, унинг кўнглига тегиши ҳам турган гап. Агар тўғри кучоқлаб кўришишга имкон бўлмаса, қўл олиб кўришиш билан кифояланган маъқул.

Баъзи одамлар кучоқлашиб кўришганда кўришаётган одамни ўзидан итариб кўришади. Бу ҳол ҳам кишига озор беради. Одатда бу каби ҳолат кибр ва манманликдан келиб чиқади. Ундан кўра яхшилаб қўл қисиб кўришган афзалроқдир.

5. Таъзия билдиришда кучоқ очиб кўришиш мусибатда елкадошликнинг рамзидир. Аммо мусибат аҳлини уринтирмаслик учун, айниқса таъзиячилар кўп бўлган пайтда маҳкам қўл ушлаб кўришиш ҳам кифоя қилади.

6. Улуғ кишилар, олим одамлар, устозлар билан кўришишда

агар уларнинг ўзлари кучоқ очиб кўришишга рағбат билдирмасалар, икки қўллаб кўришиш билан кифояланиш ҳам одобдандир.

Умуман олганда, барча ҳолларда кўришишдан кўзланган мақсад – ўзаро муҳаббатни мустаҳкамлашни унутмаслик керак. Сиз билан кўришган киши кўришганидан мамнун бўлсин, кўнгли ёзилсин, руҳи кўтарилсин, «мен билан самимий кўришди» деган хулосага келсин, яна қайта кўрганда кўришишга беихтиёр интиладиган бўлсин, ана шунда сиз динимиз таълимотларига тўғри амал қилган бўласиз. Агар сиз билан кўришган одам яна қайта кўришишдан безиллайдиган бўлса, кўришишга интилмаса, у ҳолда, сиз кўришиш одобларига риоя қилмаган бўласиз, бу эса исломий одоблардан кўзда тутилган мақсадга зид ҳолатдир.

Мазкур одоб ва меъёрлар умуман олганда эркакга аёл учун баробардир. Аммо уламоларимиз бошқа ҳолатларда бўлгани каби бу борада ҳам аёллар ҳаё ва ибоба яқинроқ кўринишда кўришишлари кераклигини айтганлар. Шунга кўра, аёллар бир-бирлари билан қўл олишиб, билак ушлашиб, кучоқ очиб, юз ва қўлларида ўпиб кўришишлари мумкин. Кучоқ очиб ва ўпиб кўришилганда фитна хавфи бўлмаслиги ва бу доимий одатга айланмаслиги шарт. Шунингдек, лабдан ўпиб кўришиш мутлақо жоиз эмас.

Ҳасанхон Яҳё АБДУЛМАЖИД.
(Давоми бор)



ИСЛОМ ҲИНДИСТОНДА

ФИРУЗ ТУҒЛАҚНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ.

Донгдор ҳукмдор Фируз Туғлақ ўз султонлигининг ҳукумати кучли ва самарали бўлишига эришди. Унинг билимга муҳаббати шу даражада юксак эдики, Бихарга юришида Нагарготи босиб олгач, у ердан топилган санскрит тилидаги уч юз жилд китобни Деҳлига жўнатиб, форс тилига ўгиришни амр этди. Бутун султонликка қарам барча ерларда тўғонлар, кўприк, ҳовуз, касалхона, ариқ ва қарвонсаройларга ўхшаган иншоотлар бунёд эттирди. Шунингдек, масжидлар, 1200 тача боғ барпо қилдирганлиги тўғрисида ҳам маълумотлар бор. У қадимий ёдгорликларни, жумладан, Асоқанинг иккита устунини асраб қолди. Сотиб олган қулларига «кори хайр» («хайрли иш») сифатида хунари ўргатарди. Накл этишларича, Фирузгача Ҳиндистонда маърифат соҳасида шу даражада кўп иш қилган шаҳаншоҳ бўлган эмас. Фируз очган Шоҳи Мадрашоҳ мадрасаси бунинг энг яхши исботи бўла олади. Барний уни етти икклимда мисли йўқ йирик ва бекаму кўст илмгоҳ сифатида таърифлайди. Унинг зиёсидан юзлаб камбағаллар ҳам баҳраманд бўлган. Бир вақтлар «Аср шон-шухрати» деб аталган бу маърифат маскани аллақачон тупроққа айланган.

ТЕМУРНИНГ ҲУЖУМИ (1398 йил). Фируз Туғлақнинг ночорлиги оқибатида султонликнинг анчагина қисми ажралиб кетди. Жунпур Шаркий подшоҳлик марказига айланди, ўрталикдаги султонлик эса кичик бир давлат бўлиб қолди. Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистонга кириб келганида бу ўлкада шундай вазият ҳукм сурар эди. У йўлидаги ҳамма нарсани супуриб, қаршисига чиққан ҳар қандай қўшинни енга борди. Асосан ҳиндлардан иборат юз минг кишини асир олиш билан Деҳлига етиб келди. Темур ўз хотираларида бу ерда бўлиб ўтган машваратда унинг амирлари: “ҳинд асирлар масаласида нимадир қилиш керак, чунки кўпгина мусулмон жангчилари уларни қўриқлаш билан оворадир”, деб маслаҳат солганлари тўғрисида ёзади... Темур саййидлар, шайхлар, уламолар ва фозилу фузалоларни эҳтиром қилгани тўғрисида гапирди.

САЙЙИДЛАР (сидлар) (1414-1451 йиллар). Соҳибқирон Амир Темур Ҳиндистонга юриши пайтида Мўлтон ва Лоҳўр ҳокимлигига тайинлаб кетган Хидирхон кейинчалик Туғлақ ҳукмдорлари заифлашиб қолганидан фойдаланган ҳолда Деҳлига юриш қилиб, пойтахтни ҳам эгаллади. Ўзи саййидларга мансуб бўлганидан унинг сулоласи ҳам шу номни олди. Мавқеини сақлаб қолиш учун унга вазири ва истеъдодли ҳарбий саркардаси Тоҷул-Мулк билан биргаликда тез-тез жанг қилишга тўғри келди. Бу сулола буюк тожу тахт соҳибини ато қилмаган бўлса ҳам 1451 йилгача сақланиб турди. «Тарихи мубораки шоҳи» қуллети тузиб чиқилгани саййидлар ҳукмронлиги даврида қилинган бирдан-бир эсда қоларли иш бўлди. Хидирхоннинг

ўғли ва меросхўри Муборақшоҳ подшоҳлиги даврида Яҳё ибн Аҳмад Сирҳандий томонидан ёзилган бу асар кўзга кўринарли тарихий обида ҳисобланади.

ЛУДИЙЛАР ИНТИҲОСИ (1526 йил). Искандардан кейин тахт Иброҳим Лудийга ўтди. Бу бешак ақли паст одам жуда кўп бемаъниликларга йўл қўйди. У зодагонлар билан жанжаллашиб, уларга нисбатан гоҳ ҳаддан ташқари қаттиққўллик, гоҳ ўта саҳийлик қилиб, умуман тутуриқсизлиги билан ўзига душман орттирарди. Бунинг оқибатида илгариги икки лудий султони шунчалик ғамхўрлик билан вужудга келтирган империя барбод бўла борди. Бихара ҳокими Дарёхон эса мустақилликка эришди. Ўз қариндошлари унга қарши фитналар уюштира бошлади, сал ўтиб Лоҳўр ҳокими Давлатхон ҳам уларга қўшилди. У Ражпут шаҳзадаси Рана Санга билан биргалашиб, Кобул султони Заҳириддин Бобурга Иброҳимни тахтдан ағдаришда ёрдам бериш илтимоси билан мактуб йўллади. Бобур бунга қўниб, Панипатда бўлиб ўтган биринчи жангдаёқ (1526 йилда) Иброҳим Лудийни мағлубиятга учратгач, Деҳли султонлигига асос солди ва тожу тахтга махфий даъвогарларнинг хафсаласини пир қилиб, Ҳиндистонда Буюк Мўтуллар (Бобурийлар-тах.) сулоласини вужудга келтирди.

КИЧИК ПОДШОҲЛИКЛАР. КАШМИР (1346-1540 йиллар). Бутун Деҳли султонлиги даврини қараб чиқишга киришишдан аввал Муҳаммад Туғлақ империяси харобаликлари устида мусулмонлар бунёд этган кичик подшоҳликларни ҳисобга олган ҳолда Ислому тарафдорларига таллуқли Ҳиндистоннинг ўн иккинчи асрдан то ўн бешинчи асргача бўлган тарихига якун ясаш зарур. Гапни шимолда узоқ даврда мавжуд бўлиб турган Кашмир подшоҳлигидан бошлаш маъқулга ўхшайди. Унга 1315 йилгача Кашмирдаги ҳинд рожасининг хизматида бўлган қўшни вилоятлик таниқли киши Шоҳмирза томонидан асос солинди. У тезда жуда юксак мавқега эришиб, рожа вафот этгач, 1351 йили ўзига шаҳаншоҳ унвонини муносиб кўрди. Бу сулоладан икки машҳур шох: Искандар Бут Шикан (Бутларни синдирувчи) ва унинг ўғли Зайнул-Обидин чиқди. Искандар Бут Шикан бутларни ёқтирмагани ва имкон бўлган ҳамма жойда уларни чилпарчин қилавергани билан шу номга сазовор бўлди. У кишиларни мусулмон бўлишга мажбур қилмас, лекин кофирларни ҳам ёқтирмас эди. Шу сабабли олий ирққа мансуб ҳиндларнинг кўплари мамлакатни тарк этдилар. Кашмирда темурийлар учун белгилаб қўй-



محمد زينة الدنيا وبهجته
محمد رحمة الرحمن فحتمه
التمسكي القاسم الحضور سيرته
شور الوجود وراز بالعمود سنا
فجر الآلاء ومصباح الظلام ومن
سل عن يمين قريش عن موافقه
طفل بتيه آسى الدنيا فانقدها
طفل بتيه آسى الدنيا فحورها
يهدى إلى الرش والأيام شاهدا
ما كان في دعوى الإصلاح مصدا

илган яккаҳокимлик имтиёзлари туфайли у Ўрта Осиёдан кўчиб келган фозилу уламоларга ҳурмат билан қарарди. Искандар ўз киролигини қудратли давлатга айлантирди. Унинг вориси – ҳар томонлама баркамол инсон Зайнул-Обидин юксак билимли ва ҳолис қарашларга эга бўлиб, ҳеч қачон ўз фикрини бошқаларга зўрлаб қабул қилдирмас, кўп тилларни билар ва қизиқувчан эди. У отаси жорий қилган жия солиғини бекор қилиб, Кашмирдан кетиб қолган бараҳманларни юртларига қайтарди. Қишлоқларда панжаят (беш қисмли) тартиб-қоидаларини жорий этди, қароқчилардан муҳофаза қилинган йўллар қурдирди. Ўзи эса қатъиятли ва адолатпарварларча ишлари билан ҳамма жойда шуҳрат топди. Истеъдодли ҳукмдор ва адабий фаолиятнинг катта ҳомийси бўлган Зайнул-Обидин «Маҳабхарата» ва «Ражатаранжи»ни ҳамда кўпгина араб ва форс китобларини ҳинд тилига таржима қилди. У қирқ йил ҳукм суриб, ўз номини ва малакатининг ютуқларини узок-узокларга танитди. Ундан кейин ҳам юзлаб йиллар давом этиб, лекин бошқа бирорта эътиборли подшоҳ етказиб бермаган бу сулолани 1540 йили мўғуллар империяси босиб олди.

ЖУНПУР. ИБРОҲИМ ШАРҚИЙ. Иброҳим вафотидан кейин вилоят ҳокими Хожа Жаҳон асос солган Жунпур кичик подшоҳлиги вужудга келди. Жуда истеъдодли киши бўлган Хожа Жаҳон ўз салтанати учун мустақкам замин яратди. Халкига раванак ва бахт-саодат ато қилиш ниятида тарафдорлари билан ҳамкорликда жуда кўп ишларни амалга оширди. Бу авлоднинг кўзга кўринарли вакили бўлган Иброҳим Шарқий ҳукмронлиги ўттиз тўрт йил давом этди. Ўз дорилфунуни билан Жунпурни у бутун Осиёга машҳур қилди. Бу ерга ҳаддан ташқари кўп илм аҳлини йиққанидан Жунпур “Ҳиндистон Шерози” деб аталадиган бўлди. Иброҳим Шарқий талайгина ажойиб иморатлар қурдирди. Ҳинд хоними Отала Дева маблағига қурилган Отала масжиди шулардан бири бўлиб, у ҳозир ҳам чирой очиб турибди. 1456 йили тахтга чиққан Хусайншоҳ Шарқий шу наслнинг яна бир машҳур подшоҳи бўлди. Бу таваккалчи киши Деҳли султони Баҳлул Лудий билан иттифоқ тузганидан кейин ғарб томондан ўзини ҳаттасиз ҳис қилиб, Тирхут ва Ориссага қўшинларини киритаркан, у ердан катта ўлжа билан қайтди. 1466 йилда Гвалпур рожаси Ман Сингхга устига ҳужум қилиб, ражпутлар фаҳри бўлиб қолди, рожа ўз хавфсизлиги учун унга катта пул берди. Ўша пайтда Хусайншоҳдан бир хато ўтиб, ўзидан анча кучли бўлган Баҳлул Лудий билан сан-манга бориб қолди. Бунинг оқибатида бўлиб ўтган жангда Хусайншоҳ салтанатидан айрилди. Шарқийларнинг ажойиб сулоласи намунавий подшоҳлик тузди, уларнинг маърифатга ғамхўрлиги эса тилларда дoston бўлди.

БЕНГАЛ. ИЛЁСШОҲ ПОДШОҲЛИГИ. Жунпурдан шарқ томонда Бихар ва Бенгал жойлашган. Фируз Туғлакнинг Бенгал ҳокими билан бўлган ҳал қилувчи жангини эслатиб ўтиш зарур. Бу ҳукмдор Ҳожи Илёс номи билан маълум бўлган Илёсшоҳ Шимолий Бенгал ҳокими Алоуддин Алишоҳнинг кўкалдош укаси эди. Ҳожи Илёс шимолий ва жанубий Бенгални босиб олиб, 1345 йили

Ориссани забт этгач, мамлакат сарҳадини Банаресгача кенгайтириб, Фируз Туғлакни қарши чоралар кўришга мажбур қилди. Лекин бундан ҳеч қандай натижа чикмай, Илёсшоҳ ўз мустақиллигини сақлаб қолди. У Бенгалнинг пойтахти қилиб танлаган Ғаур шаҳрида бир қанча ажойиб биноларни бунёд эттирди, мохир ҳукмдор сифатида юртини бой-бадавлат қилишга эришди. 1357 йили Илёсшоҳ вафот этгач, унинг ўрнини эгаллаган Искандаршоҳ ҳам отасидек кучли шаҳаншоҳ бўлиб етилди. Шу авлодга мансуб яна бир машҳур раҳбар, адабий дидга эга бўлган маърифатли киши Ғиёсиддин Аъзам шерозлик буюк шоир Ҳофиз билан хат ёзишиб, Хитой императори билан фикр алмашиб турарди. У ҳам донишманд давлат арбоби эди. Лекин унинг истеъдодсиз ўғли ўз вазири бўлган ҳинд рожаси Ганеш томонидан ағдарилди. Ганешнинг ўғли Жоду мусулмонликка ўтиб, Жалолиддин Муҳаммадшоҳ деган номни олди. Жалолиддин подшоҳликни яхши эплай олмаганидан мамлакатда ғалаёнлар бошланиб кетди. Яна ҳам ночоррок зот бўлган ўғли Шамсиддинни унга қарши кўтарилган оқсуяклар ўлдиришди.

КЕЙИНГИ ҲУКМДОРЛАР. Шамсиддин қатл этилганидан кейин тахтга ўтказилган Ҳожи Илёс Насриддиннинг невараси Ғаурда бир нечта иморатлар қурдирди. Унинг вориси эса ҳабаш тансоқчиларининг ўн беш йил ҳукм сурган бошлиғи томонидан ағдарилди. 1493 йили ҳабашларга қарши оёққа турган зодагонлар истеъдодли вазир Алоуддин Хусайнни тахтга таклиф қилдилар. Алоуддин ва айниқса унинг ўғли Нусратшоҳ қобилятли кишилар эди. Алоуддин Орисса ва Бихарни, шунингдек, Ассамдаги Куч Бихар шаҳрини босиб олди. Шундай қилиб, у барчанинг, ҳар бир кишининг қувончи учун, бутун мамлакат бахт-саодати учун Бенгални катта давлатга айлантириб, унга йигирма беш йил давомида (1493 йилдан 1518 йилгача) бошчилик қилди. Юртнинг ҳар бир фуқароси ундан мамнун эдики, бу шоҳлар тарихида кам учрайдиган мисолдир. Нусратшоҳнинг шуҳрати Кобулгача етиб борди. Улуғ саркарда Бобур эса ўз хотираларида уни буюк ҳукмдор сифатида тан олади. Нусратшоҳ бир қанча ҳашаматли масжидлар қурдириб, фанга ҳомийлик қилди, ҳиндларга самимий муносабатда бўлди. «Маҳабхарата»ни бенгал тилига таржима қилди. 1533 йили вафот қилган Нусратшоҳга ворис бўлганлар билимсиз кишилар бўлиб чиқди. Бенгални 1539 йили Шершоҳ Сурий босиб олди.

МАЛВА-ДИЛОВАРХОН-АЛИХОН-МАҲМУД-ХОН. Ҳиндистон марказида Малва номли мусулмон подшоҳлиги жойлашган бўлиб, унга Фируз Туғлак ҳукмронлиги даврида ҳоким бўлган Диловархон Ғурий асос солган эди. Фируз қазо қилиши билан подшоҳлик мустақилликка эришиб, унинг шуҳратпараст ўғли Алихон бу авлоднинг энг машҳур бошчиси бўлди. Хушангоҳ унвонини олган Алихон таваккалчасига ҳаёт кечирганича ўзига бўлган ишончни суиистеъмол қилаверди. Маълумки, у ўзини савдогар киёфасида кўрсатиб, рақибини алдаш билан Орисса рожасига туйқусдан ҳужум қилди, бу ердан кетишида рожадан жуда катта пул ҳам ундирди. Сўнгра Кхерлани эгаллаб, унинг рожасини ҳокимиятдан четлатди. У барча

билан, ҳатто Деҳли султони ва Гужарат қироли билан ҳам урушиб чикди. Унга ҳар доим ғалаба ёр бўлавермас, лекин у мағлубиятдан тушкунликка тушмас эди. Алихоннинг ўғли кучли раҳбар бўлиб чикмади. Уни вазири Маҳмудхон тахтдан ағдариб, Малвада ҳолжийлар сулоласига асос солди. Буюк шахс саналган Маҳмуднинг Мевар рожаси билан бўлган уруши тарихда яхши маълум. Узоқ чўзилган бу уруш тугагач, ҳар иккала томон ўзини музаффар деб эълон қилиб, ғалаба шарафига пойтахтларида махсус ёдгорликлар бунёд эттиришди. Меварлик рожа Кумба Читторда Завар минорасини, Маҳмудхон ўз пойтахти Мандуда етти қаватли минорани қурдирди. Салтанати доирсини кенгайтириб, донишмандларча яхши ҳукмронлик қилган Маҳмудшохнинг ажойиб маъмурий қобиляти туфайли мамлакат муваффақиятли раванқ топа борди. Қаҳрамонлик дostonларини яхши кўрган подшоҳ саройида унга эртақлар ва барча халқларнинг қаҳрамонлари ҳақида қиссалар ўқиб берадиган одамлар бор эди. Ўттиз тўрт йил ҳукм сурган Маҳмуднинг тинчлик ва уруш давридаги бирдек намунали хатти-ҳаракатлари учун уни ҳамма ҳурмат қиларди. У 1469 йили оламдан ўтганидан кейин ҳокимият тепасига келган кишилар буюқликка дахлдор бўлмасалар ҳам, ҳар ҳолда ўз тахтларини сақлаб қола билдилар. Охир-оқибат 1531 йили бу подшоҳлик Гужарат султони томонидан босиб олинди.

ГУЖАРАТ. ЗАФАРХОН. Катхивардаги Гужарат вилояти узоқ давргача гуллаб-яшнаётган диёр бўлиб келди ва шу жиҳати билан ҳам ҳар доим Деҳли султонлари эътиборини тортди. Алоуддин Ҳолжий томонидан 1297 йили забт этилгач, у 1391 йилгача Деҳли мусулмон империясининг бир бўлаги бўлиб қолди. Ўша даврда ҳокимлик қилаётган Зафархон аста-секин Марказ билан алоқани уза бориб, 1401 йили мустақилликка эришди. Зафархон авлодидан бир қанча азамат ҳукмдорлар етишиб чиққан. Унинг невараси Аҳмадшох ҳамда Маҳмуд Бегара ва сўнгги ҳоким Баҳодиршох уларнинг энг машҳурлари эди. Яхши жангчи бўлган Аҳмадшох кўп истилолар қилди, бироқ додхоҳликдан анча устун турган бу ажойиб маъмур Аҳмадобод шаҳрини қурдирди. У Ислом қонун-қоидаларини пухта ўрганиб чиқди. Тоифаларни кишиларнинг обрўсига, эгаллаган мавқеига қараб ажратмаслиги ва адолатпарварлиги билан танилди. Унинг шаҳаншоҳлиги даврида Гужарат йирик саноат ва савдо марказига айланди. Зафархон ўттиз йил ҳукмронлик қилди.

МАҲМУД БЕГАРА. 1458 йили сулоланинг энг йирик вакили, кучли шахс бўлган Маҳмуд Бегара тахтга чиқди. У ўн беш йил юрт сўраб, Ғарбий Осиёнинг барча мамлакатларида ўз номини шухратга чулғади. Душманларига даҳшат солувчи Маҳмуд қуруқликда бўлиб ўтган бирорта жангда бўш келмади. У денгиз қароқчилигига чек қўйди, машҳур Янагарх ва Чомпанир қалъаларини эгаллади. Ҳиндистондан ғарбдаги денгизларда ҳукмронлик қилиб келаётган португалларга қарши уюштирган жанги унинг энг муҳим фаолияти бўлди. Мисрнинг буржий султони билан иттифок тузиб, у юборган денгиз кучлари ёрдамида 1508 йили португалларга қақшатқич зарба берди. 1509

йили Португалия қиролининг ноиб Албукэрки оғир замбараклар билан қуролланган жанговар кемалардан иборат жуда катта денгиз кучларини бошлаб келиб, Маҳмудни мағлубиятга учратди. Шундан кейин Маҳмудга Албукэрки билан шартнома тузиб, Катхивардаги Диу соҳилларини унга бандаргоҳ қуриш учун беришга тўғри келди. Кўп ўтмай айни шон-шухратга тўлган пайтида вафот этган бу довюррак, истеъдодли, доно, адолатли ва жанговар ҳокими мутлакни кучли шахс сифатида ҳатто Оврупода ҳам яхши билишарди. Маҳмуднинг невараси Баҳодуршох сулоланинг сўнгги ҳукмдори бўлди. Баҳодуршох ҳам португаллар билан жанг қилар экан, уларга Дайюда ўзлари учун савдо-сотик олиб боришга манзилгоҳ қуришларини таъқиқлади. У Жҳаланандда, Бхилс ва Чандерида ражпутларнинг истехкомларини забт этди, Читтор қўрғонига ҳужум уюштирди, лекин янги жангчиларни қурашдан чиқариб олиб, уларни таслим бўлишдан қутқараркан, Буюк мўғул Ҳумоюн билан жанжаллашиб қолди. Шундан кейин унинг подшоҳлигига бостириб келган Ҳумоюн ғалаба қилиб, Гужуратни ажратиб олди. Бироқ Ҳумоюн Шершоҳ Сурий билан урушга ҳозирлик учун кетганда Баҳодуршох ўзига тегишли ерларни яна қайтариб олди. Кейинчалик португаллар уни хиёнатқорона ўлдирдилар. Бу подшоҳлик 1537 йили Буюк Акбар томонидан забт этилди.

БУЮК БАҲМАНИЙЛАР ПОДШОҲЛИГИ. Жанубий Ҳиндистон тарихида сезиларли из қолдирган асосий кичик салтанат — бу Юкори Деканнинг ҳокими Ҳасанга қарашли Баҳманий подшоҳлигидир. Муҳаммад Туғлак вафотидан кейин Ҳасан мустақилликка эришиб, Абул Музаффар Алоуддин Баҳманшох унвони билан шу салтанатга муяссар бўлгач, Гулбарги шаҳрини пойтахт қилиб танлаб, Гоа, Дабҳал, Қоҳлапур ва Телинганни босиб олиш билан қудратли ҳукмдорга айланди. Бутун Ҳиндистондаги ягона Ҳинд подшоҳлигининг рожаси унинг Декандаги ягона рақиби эди. Кришна, Тунгабхарда, Райчурдраб дарёлари оралиғида жойлашган ерлар уларнинг доимий тортишувларига сабаб бўлиб турарди. У ерда ислом билан ҳиндлар дини, келгиндилар билан маҳаллий халқ рақобати ҳам давом этарди. Баҳманий ҳукмдорлари ва Вижайнагар рожалари авлоддан-авлодга ўзаро урушиб келишган, баъзи подшоҳлар ҳукмронлиги даврида эса икки-уч мартадан жанг қилишга улгурардилар. Бу олишувларда деярли ҳар доим мусулмонларнинг қўли баланд келарди. Улар ўз рақибларини кўпинча Вижайнагар дарвозасигача таъқиб қилиб бориб, солиқ солишарди. Қунардан бир қуни эса рожани Баҳманий шоҳига (Фирузшох, 1397-1422 йиллар) ўз қизини эрга беришга мажбур қилди. Шу ўринда бошқа бир Баҳманий подшоҳи Алоуддин иккинчини (1435-1457 йиллар) ва Султон Маҳмуд учинчининг бош вазири Маҳмуд Ғавонни ҳам эслатиб ўтиш зарурдир.

СУЛТОН АЛОУДДИН. У Варангални забт этган ва Вижайнагар рожасини мағлубиятга учратган буюк жангчи Султон Аҳмадшохнинг ўғли эди. Кўпгина машҳур тарихчилар талай фазилатларига қараб Алоуддинни фаришта-сифат қилиб таърифлайдилар. Алоуддин рожа билан икки марта жанг қилиб ғалаба қозонгач, ундан катта со-

лик олди. Бу рахбар маърифатга, масжидлар, мактаблар ва етимхоналар қуришга эътибор бергани билан кўпроқ машҳурдир. У Бидарда бунёд эттирган катта шифохонада кўплаб машҳур табиблар меҳнат қилишди. Ўз подшоҳлигида ичкилик ичишни таъқиқлади, ишёкмаслик ва дарбадарликка чек қўйди ва кишиларни ҳалол яшашга мажбур этди. Барча фуқаролар Ислом тартиб-қоидаларига риоя этишларини кузатиб боришни назоратчиларга буюрди.

МАҲМУД ҒАВОН (1461-1481 йиллар). ТАЛИКАТ ЖАНГИ (1565 йил). Ҳар томонлама диққатга сазовор бўлган Хожа Ғавон ҳам улкан шахс сифатида танилди. Бу йирик саркарда, олим, давлат арбоби ва доно ҳукмдор салтанатидаги ҳукумат ишларини шахсан ўз зиммасига олиб, ҳар бир маҳкаманинг ишини кадам-бакадам ўзи кузатиб борар ва ниҳоятда самарали иш юритар эди. Қўшинларга бошчилик қилган чоғларида бирорта ҳам жангни ютқизмади, юришлари натижасида беҳад катта бойлик тўплади. Гоани ва Ўрта Декандаги бошқа вилоятларни забт этди. Порахўрликка барҳам бериб, айбдорларни шафқатсиз жазолади. Шунинг учун ҳам унинг душманлари кўп эди. Қасоскор зодагонлар эса ақлдан озган ва ўз айш-ишратини кўзлаб яшаётган Султон Муҳаммад Учинчини унга қарши қайрар эдилар. Қулай пайт пойлаб Султон Муҳаммад бу самимий ва жуда зарур вазирни қатл этиш тўғрисида амр бериб, ижро қилдирди. Ниҳоят, 1527 йилда Бахманий қироллиги ғарбда Аҳмад Нағар, шарқда – Голконд, шимолда – Берар, марказда – Бидар ва жануби ғарбда Бижапур номли бешта кичик подшоҳликка бўлиниб кетди. Улар узок вақт гуллаб-яшнаб, вақти келганида Вижайнагар рожасига ҳал қилувчи зарба бериш учун (Таликат жанги) бирлашдилар ва шу даврда шарқдаги энг бой Вижайнагар шахрини талон-тарож қилдилар. Бу унинг куч-қудрати ва шон-шухратини ҳамда хиндларнинг уйғонишини йўққа чиқарди. Бешта мусулмон подшоҳлиги мавжуд бўлиб, улар ҳам аста-секин мўғул императорлари қарамлигига ўта бошлашди. Ниҳоят, 1686 ва 1687 йилларда Аврангзебнинг Буюк Мўғуллар Империясига қўшиб олинган Голконд ва Бижапур подшоҳликлари таслим бўлишди.

МУСУЛМОН ДИНИ ПЕШВОЛАРИ. 1526 ЙИЛИ Бобур Ҳиндистонга кириб келди. Бу мамлакат беш юз йил мобайнида, Синд ва Мўлтон эса саккиз юз йил мусулмон мамлакати бўлиб турди. Ҳиндистон кенг мусулмон дунёсининг бир қисми сифатида халифаликнинг руҳий таъсирида бўлди. Унга барча осиёликлар Дорул-Ислом (Ислом диёри) деб қарашарди. Бутун Ислом дунёсидан бу ерга оқиб келган мусулмон руҳонийлари, файласуфлари, фозиллари, шоирлари, маърифатпарварлари ва мутафаккирлари ўзларини уйларидагидек ҳис қилардилар. Улар асосан араб ёки форс тили ва адабиёти билан иш қўришарди. Бу ерда ҳамма жойда дорилфунунлар ва билимларнинг катта муҳлислари мавжуд эди. Кашмир ҳокими Искандар Бут Шикан ва Искандар Лудийдан бошқа мусулмон ҳукмдорлари хиндларнинг диний ва маданий анъаналарига ҳеч қачон аралашмаганлар, уларга ҳурмат билан қараб, давлат фаолиятига жалб қилганлар. Уларга юксак лавозимларни ишониб топширганлар, ҳарбий хизматга олиб, лашкар-

бошиликка тайинлаганлар, ҳуллас, бегона билмаганлар. Халққа оддий дунёвий ва мажбурий исломий маънавий маърифат бериш соҳасидаги ишларни лохўрлик Дата Ганж Бахш, ажмерлик Хўжа Мўйниддин, деҳлилик Хўжа Бахтиёр Қокий, пақпаттанлик Бобо Фарид, мўлтонлик Шайх Баҳовуддин Закария, баҳовалпурлик Маҳтум Жаҳониян Жаҳонгашт, деҳлилик Шайх Низомиддин Авлиё, бирлашган вилоятлар вакили Аҳмад Собир Қалъарий, бенгаллик Жалолиддин Табризий ва деканлик Хўжа Гесув сингари мусулмон руҳонийлари бошқариб боришарди. Ўзлари бўлган ҳамма жойда билим зиёсини сочадиган бу йирик дин арбобларига мусулмонлар ҳам, хиндлар ҳам бирдек қулоқ солардилар. Маърифатчилик фаолияти туфайли Ислом динини қабул қилганларнинг аксарияти шундай иш тутишарди. Бу руҳонийларнинг ҳаммаси дастлабки даврда, асосан қуллардан чиққан қироллар ҳукмронлиги даврида маърифат тарқатиш билан шуғулландилар. Низомиддин Авлиё ҳолжийлар салтанатида, Хўжа Гесув Дароз эса ўн бешинчи аср бошида шундай фаолият кўрсатишди. Улар Аллоҳ марҳаматига эришишда оддий ишончдан, ҳалолликдан, ҳамдардликдан, Парвардигорга яқинликдан роҳатланишни, кишиларнинг ўзаро бир-бирлари олдидagi бурчи ва масъулиятини, тоат-ибодатнинг кучи, эътиқоднинг гўзаллигини ўргатиб бордилар. Лекин ўз фикрларини ҳеч қачон зўрлик билан тикиштиришмас ва кўплаб тарафдорларга эга эдилар. Улар бу мамлакатда Ислом динини оммалаштирдилар.

БҲАКТИЙ ҲАРАКАТИ. Уларнинг оддий таълимотлари ҳар доим кам сонли ва имтиёзли табақалар дини бўлиб келган хиндлар эътиқодига аста-секин таъсир эта бошлади. Бу дин то ўн тўққизинчи асрда Ҳиндистондаги бхагатлар гуруҳи (халқ авлиёлари), яъни Панжобда Гуру Нанак, марказий Ҳиндистонда – Рамананд ва Кабир, Бенгалда – Чайтанийа, Ражпутан ва Нанадевада – Дадү ҳамда Махарааштрада бошқа гуруҳлар исён қўтарганларига қадар шундай мавқени саклаб қолди. Бу авлиёларнинг ҳаммаси севги-муҳаббат, яхшилик, саҳоват, оддий эътиқод ва муҳлислик, инсонга ҳамдардлик ва меҳр туйғуларини сингдира бошладилар. Улар таълимоти тезда оммалашиб, тарафдорлар орттира борди, бхагатларнинг ҳар бири панс (диний таълимот) бошчисига айланиб, халқни уйғотишга ҳисса қўшди. Хиндлар уларнинг ўтмишини ўрганиб, мавжуд шарт-шароитларни яхшилашга киришдилар. Яна юз йил ўтгач, бу ҳаракат ўзгариб кетди: у хиндлар орасида адабий жонланишни, яна икки юз йилдан кейин эса ижтимоий-сиёсий уйғонишни келтириб чиқарди. Ўн саккизинчи асрга келиб ҳарбий доираларда, Панжобда сикхлар, Ғарбий Ҳиндистонда махраттанлар орасида тўла-тўқис шаклланган мазкур ҳаракат бенгалларни маданиятга ошна қилди, халққа маърифат тарқатди. Хиндларда миллий руҳ туғилишига, уларнинг мусулмонлардан қўркуви барҳам топишига ва британияликларга нисбатан нафрат уйғонишига асосий сабаб бўлди. Шу жиҳатдан олганда хиндлар миллий руҳининг илдизлари жуда қадимийдир.

*Инглизчадан Жамоллиддин Ҳамдам ва
Шариф Холмурод таржимаси.*

ЯШАШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

ЁКИ ҲАЁТ МАШАҚҚАТЛАРИНИ ЕНГИШ ОМИЛЛАРИ

ҲИКМАТУЛЛОҲ ОТАНИНГ УМИДЖОНГА МАКТУБЛАРИ

(УЧИНЧИ МАКТУБ)

Жуда кўп кишиларнинг ҳаётда қийналиб, машаққат чекиб юришларини кузатар экансиз, уларнинг оддийгина ҳақиқатларни тан олмай ёки нафсларини ўзларига бўйсундиrolмай юришлари барча кўргуликларига асосий сабаб бўлаётганини кўрасиз. Масалан, иним Умиджон, буни ўз ҳаёт тажрибангизда ҳам синаб кўришингиз мумкин.

Айтайлик, ён қўшнингиз икки ёки уч қаватли қилиб шоҳона уй қурди. Сизники эса пастқамгина, гува-лақдан қилинган, сомон сувоқли оддийгина уй. Агар ичингиздаги “мен”ингизга қулоқ солсангиз, бу ҳолат сизни қийноққа солишни бошлайди, ақлингизни олиб, тинчингизни бузиши аниқ. Чунки сиздаги “мен” ҳавойи нафсингизнинг айтганига кўнишингиз, шайтоний вавасаларга учишингиздир. Агар унинг айтганларига қулоқ солмоқчи, тизгинида юрмоқчи бўлсангиз, оромингиздан ажрайсиз, тинчингизни йўқотасиз, бошни қайларга уришни билолмай ҳаётда кўп қийналасиз.

Энди дўппини бир четга олиб, бу ҳолатни чуқурроқ ўрганиб чиқайлик. Аллоҳ одамизотни ҳамма нарасада: кўриниш қиёфадаю, хулқ-атворда ҳам, ақл-идроку иқтидорда ҳам, ризқ билан таъминланишу бойлик-мартабада ҳам фарқли, турлича қилиб яратган. Айни пайтда ҳар бир инсонга дунёнинг матоҳла-

рига ва лаззатларига интилиш-қизиқиш майлларини ҳам бериб қўйган. Одамизот агар Аллоҳнинг ана шу яратиш ҳикматини тушунмай ёки тан олмай, нафсининг ҳамиша ҳақкалак отувчи истакларини бажариш учун елиб-югураверса, “мен”ини бўйсиндира олмай, бошқалар каби бўлишга уринаверса, унинг боши меҳнат-машаққатдан чиқмай қолади, ўзи эса умрни беҳуда совуришга маҳкум бўлади.

Қўшнингизга Парвардигор Ўзи билган ҳикматга кўра мол-дунёни кўп берган бўлсаю, Ўзи билган ҳикматга кўра сизни бойлиқдан қисиб қўйса, бундан фожиа ясаб, қаттиқ қайғуга тушиш керакми? Ёки Аллоҳнинг бу иродасига қарши бориб, дарров исён кўтариш керакми? Асло йўқ! Буни бир илоҳий лутф сифатида қабул қилинг ва Парвардгорингизнинг олдиндан белгилаб қўйган тақдирига рози бўлинг! Балки, У зот қўшнингизга бу қасрни синов учун ёки уни бошқаларга қараганда кўпроқ севгани учун ато этгандир?! Балки у сизни имтиҳон қилиш ёки охиратдаги сўроқлардан қутқариш учун ана шу яшаб турган уйингизга рози бўлишингизни ирода қилгандир?! Нафсингиз хуруж ва вавасасага кириб, “Сен қўшнингдан каммисан, нега у мухташам қасрда яшайдию, сен шунча тиришганинг билан пастак уйингни ҳатто таъмирлаб олишга имкон



топа олмаяпсан?” деб юрагингизга ғулғула солаётганида бари Аллоҳнинг синови экани ҳақида фикр қилингу индамай йўлингизга кетаверинг. Шунда сиз дунё ҳаётининг энг улуғ ҳаловатини қўлга киритган бўласиз.

Ёки бошқа бир мисолни олайлик. Айтайлик, сиз ишхонада бир масала устида ҳамкасбингиз билан тортишиб қолдингиз. Аслини олганда, сизлар тортишаётган нарса инсонийлик нуқтаи назаридан жуда арзимас: у на динингизга, на дунёингизга фойда беради. Аммо нафс ва шайтон уни жуда муҳим, даҳанаки жанг қилишга арзирли қилиб кўрсатади. Шунда сиз ўз далилларингизни рўқач қилиб, рақибингизни мот қилишга киришиб кетасиз. У ҳам жим турмайди, ўзи билган маълумотларни дастак қилиб, сизга қарши ҳужумга ўтади. Агар сизда ақл устунлик қилиб, бу бефойда тортишувдан вақтида тўхтамасангиз, “мен”ингизнинг алдовидан воз кечмасангиз, бу нарса бора-бора катта можарога айланиши, икки қадрдон ҳамкасб душманга айланиши ва ниҳоят бирингизнинг бошқангиздан ўч олишигача бориши мумкин.

Ҳаётда бундай ҳолатлар кўп учрайди, инсон ҳар қадамда ана шу “мен”ининг тантанасию ақлининг мағлубиятига дуч келаверади. Масалан, ишхонада қилган хатоингиз учун бошлиқингиз ҳақли дашном берса, шайтонга қўл бўлган нафсингиз дарров васваса бошлайди: “Бошлиқ сени кўролмайди-да, бошқалар хато қилса индамайдию сен бир марта адашсанг, дарров танбеҳ беряпти”. Ёки қудангиз қизингизнинг эпсизлиги ёки итоатсизлигидан шикоят қилиб келса, дарров жаҳлингиз чиқади: “Мен камбағалман-да, оғзи қийшиқ бўлса ҳам бойнинг ўғли гапирсин экан, қудам қизимнинг камчилигини юзимга айтишдан ҳам тортинмади-я!”. Ёки бир маъракада сиздан ёшроқ одамни тўрга олишдию сиз пойгақда қолиб кетдингиз. Бу ҳолатда ҳам нафс ва шайтон хуружга киради: “Сенинг ўша одамдан қаеринг кам эди, нега бу ҳақсизликка индамай рози бўлиб ўтирибсан?” Машинангизни биров қувиб ўтиб кетса ҳам, навбатда турганингизда кимдир сиздан олдинга навбатсиз туриб олса ҳам, фарзандингиз гапга кирмаса ҳам ана шу “мен”ингиз сизни васвасага солаверади.

Иним Умиджон, бордию шундай ҳолатларга тушиб қолгудай бўлсангиз, тезда ўзингизни қўлга олинг, шайтоний васвасаларга қўлоқ солманг, нафсингизни жиловлаш йўллари ахтаринг. Нафс ва шайтон инсоннинг энг катта душманларидир, унинг руҳий олами барбод қилувчи, ҳаётини машаққат ва қўлфатга айлантирувчи қаттол ғанимларидир. Нафс ва шайтон инсонни ҳақ йўлдан оздириб, икки дунёсидан мосуво этувчи маккор кучдир. Нафс инсондаги қораланган сифатларни жамловчи аслият, яъни негиздир. Тасаввуф аҳли: «Нафсга қарши курашиш ва мудом уни синдиришдан бошқа чора йўқ», деган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг мана бу сўзлари ҳам бунга ишорадир: «Ичингдаги нафсинг душманингнинг энг ёмонидир».

Лекин нафсни тамоман қоралаб, бир четга суриб ташлаб бўлмайди, чунки у бир илоҳий неъматдир.

Инсон нафси унинг ўзидир. Лекин инсон нафси ҳолатининг турланишига қараб турлича бўлади. Агар нафс Ҳақ амрига бўйсунган ҳолда шахвоний хуружларни, шайтоний истакларни енгишга қодир бўлса, у “хотиржам-сокин нафс” бўлади. Агар нафсининг сокинлиги комил бўлмай, шахвоний нафсга бир қарши чиқиб ва бир ёқлаб, иккиланувчи бўлса, у “маломатгўй нафс” деб номланади. Агар нафс эътироз билдирмаса ва шахвоний нарсаларга бўйсуниб, шайтоннинг васвасаларига итоат қилса, у “ёмонликка буюрувчи нафс” деб аталади.

Агар инсон нафсининг ҳолати атрофлича тадқиқ қилиб чиқилса, нафс ва шайтон инсоннинг қалбига, руҳиятига кириш ва уни эгаллаб олиш учун жуда кўп усул ва воситалардан фойдаланишини кўриш мумкин. Буларнинг энг биринчиси ғазаб ва шахватдир. Чунки ғазаб ақлга ҳужум қилиш, инсон “мен”ининг ғолиб бўлиши учун кураш, демакдир. Ғазаб жўшган одам ўзини идора қилолмай, бошқаролмай қолади, шайтон нимани буюрса, индамай бажаради, Кейин ғазабдан тушгач, катта хатога йўл қўйганини тушуниб, минг бора афсус-надоматлар чекади.

“Шахват” эса одам боласи яхши кўрадиган, кўнгил қўядиган, интиладиган барча нарсалардир. Инсон зоти муҳташам ва қулай уйларда яшашни, чиройли ва келишган хотинлар (ёки эрлар) билан турмуш қуришни, кўркам ва учқур уловларни минишни, ўғил-қиз фарзандлари бўлишини, катта бойлик ва мол-дунёни қўлга киритишни, жамиятда мансаб, обрў ва шуҳратга эришишни яхши кўради. Бу неъматларга эга бўлиш учун ҳамма нарсасини: куч-қувватини, салоҳиятию иқтидорини, топган пулинию имкониятларини тўла сарфарбар этади. Инсоннинг бундай шахватларга интилишини қоралаб бўлмайди, чунки Парвардигор одам наслини айнан шундай, шахватларга интилувчи-қизиқувчи қилиб яратган. Фақат инсон бу нарсаларга эришишни ҳаётининг асл мақсади қилиб олмаслиги, бутун умрини дунёнинг ўткинчи матоҳларини қўлга киритишга сарфлаб юбормаслиги зарур. Дунёнинг лаззат ва фаровонликлари инсоннинг охирати учун хизмат қилиши, ўзига ато этилган умрни Парвардигори буюрганидай яшаб ўтишига ёрдам бериши лозим.

Нафс ва шайтон инсонларни яна ҳасад ва очкўзлик билан тузоққа илинтиришга ҳаракат қилади. Одам бирор нарсага очкўзлик қилса, унинг кўзи кўр, қўлоғи кар бўлиб қолади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларида: «Сенинг бир нарсага бўлган муҳаббатинг кўр ва кар қилиб қўяди», дейилган. Яхши, ноёб таомларни тўйгунча ейиш, кўркам ва нодир кийимларни кийиш, чиройли ва қимматбаҳо уй жиҳозларига эга бўлиш, ҳовли-жойини бетўхтов кенгайтириш ва зийнатлаш каби нарсалар ҳам шахватларни кучайтиради. Шахватлар эса шайтоннинг қуролларидир.


Одамларнинг ўзлари каби бошқа инсонлардан бирор нарсани (масалан, бойлик, мансаб, марҳаматни) кутишлари, яъни таъма қилишлари ҳам, ўзларига ато этилган бойлик ва мол-дунёдан бошқаларга эҳ-

сон қилишда бахиллик кўрсатишлари ҳам, қўлларидаги мол-мулк кетиб қолиб бир куни камбағал бўлиб қолишдан қўрқишлари ҳам нафс ва шайтоннинг инсонга ҳамиша қиладиган хуружларидир. Чунки қалбда таъма кучайса, шайтон доим таъмагир кишини ҳар хил риёлар, фириблар билан ўралаштириб қўяди. Уни таъма кутилаётган кишидаги йўқ сифатларни бор қилиб-зийнатлаб кўрсатиш билан овора қилиб қўяди. У доим унга яхши кўриниш ва дўст бўлиш ҳийлалари тўғрисида тинмай фикр қиладиган бўлиб қолади. Топганини сарфлашда бахиллик эса уни инфоқ-эхсон қилиш ва садақа беришдан тўхтатиб қўяди.

Инсон “мен”ининг айтганларига юриб, уни семиртираверса, бора-бора у одамнинг ўзига ҳам бўйсунмай қўяди. Ҳамма ишда туғёнга кетиб, эгасини кибрга, яъни ҳалокатга бошлайди. Масалан, бир одам касбида илгарилаб, катта зафарларни қўлга киритди, дейлик. Шунда у ўзига қаттиқ ишониб, фахрга кетади, ҳамма нарсани ўз иқтидорим, куч ва имкониятларим эвазига қўлга киритдим, деб ўйлай бошлайди. Ёки бошқа бир кишига Аллоҳ ўзгаларга ато этмаган таланти ва иқтидорни ато этган. Агар у буни илоҳий бир лутф сифатида қабул қилиб, иқтидорини яхшиликка сарфласа, тўғри йўл тутган бўлади. Бордию аксинча, уни фахр ва кибр йўлида қурбон қилса, энг катта хатога йўл қўйган бўлади. Бундай кимсалар ўзларига шундай салоҳиятни ва имкониятни ато этган Парвардигорларини унутишга ҳам боришади. Бу ютуқ ва талантларидан кибрга кетишади. Мутакаббир кимса эса Аллоҳнинг энг катта душманидир. Кибрдан ширк ва куфр сари кетишга бир қадам қолади. Парвардигор бандасининг шаҳватдан бўлган барча гуноҳларини кечириши мумкин, аммо кибр гуноҳини кечирмайди. Чунки кибриёлик фақат Аллоҳга хос, шайтоннинг Аллоҳнинг даргоҳидан қувилиб, мангу лаънатланишига унинг кибри сабаб бўлган эди.

Аммо кишининг “мен”и билан “ўзлиги”ни аралаштириб юбормаслик керак. “Мен” инсоннинг нафси, ҳою ҳаваси, дунё лаззатларига майли бўлса, “ўзлик” инсонга Аллоҳ ато этган фитрат, жибиллият, унинг шахсияти тимсолидир. Ғарб маданияти эса бунинг икковини ажратмай, инсонга ўзидаги “мен”ни ҳамиша олдинга олиб чиқишга, нафсининг айтганларига сўзсиз юришга чақиради. Нафс истаклари ҳамма нарсадан устун қўйилган, инсон улкан истеъмолчига айлантириб қўйилган жамиятларда охиратга ва ўлгандан кейин қайта тирилишга ишонч йўқолгани сабабли одамлар фақат бу дунёда “яхшироқ яшаб қолиш”га, дунёнинг лаззат ва фаровонликларидан илоҳи борица тўқисроқ фойдаланиб қолишга интилишаверади. Ҳолбуки, мавлоно Жалолиддин Румий бундай деганлар: “Ўзлингдан агар битта мўй қолган бўлса ҳам, етти дўзах сенга оғзини очади”.

Инсон вужудида икки асос мавжуд: буларнинг бири рух, иккинчиси жасаддир. Ақл, виждон, инсоф, дин, диёнат кабилар руҳнинг аскарларидир. Нафс, хоҳиш-истак, шайтон, лаззат кабилар жасаднинг аскарларидир.



Аскарларнинг биринчи гуруҳи инсоннинг дунёвий истак ва интилишларини жиловлаб, йўлига тўсиқ қўйиб, тўғри йўлга йўллаб турса, иккинчи гуруҳи уни гуноҳ-маъсиятларга чорлаб, нафсининг истакларини қондиришга, тўғри йўлдан тойдиришга хизмат қиладди. Инсон нафси эркинликни истагани, чекловларни ёқтирмагани учун уни ишларнинг қийинига эмас, осонига чорлайди. Ақл эса, “Йўқ, бу ишинг нотўғри, бундай қилсанг, гуноҳ бўлади, кейин жазойингни оласан”, деб инсонни ёмон йўлдан қайтаришга уринади.

Шу тариқа инсон вужудида икки куч: рух ва жасад истаклари, иймон ва куфр, ақл ва нафс, раҳмон ва шайтон, диёнат ва залолат тўқнашаверади, жанг қилаверади. Агар инсон бунда ўртача, мўътадил бир йўлни ушламаса, қийин аҳволда қолади. Бордию руҳининг айтганларига тўла кириб, жасадининг истак ва эҳтиёжларини мутлақо қондирмаса, Парвардигорининг яратиш ҳикматиға қарши ўлароқ, фариштага айланиб қолган бўлади. Аллоҳ инсонни эса бунинг учун яратмаган. Бордию инсон жасадининг барча истакларини сўзсиз бажариб, руҳининг хоҳишларини унутиб қўйса, унинг фақат еб-ичадиган ва насл қолдирадиган ҳайвондан асло фарқи қолмайди. Парвардигор одамизотни бунинг учун ҳам яратмаган. Ана шу қизгин курашнинг бош сабабчиси бўлган инсон йўлнинг ўртасидан юрмаса, бир томонга батамом оғиб кетса, боши машаққатдан чиқмайди, оқибати эса ҳалокат билан тугайди.

Иним Умиджон, агар ҳаётда қийналмай яшай, бошқалар билан муносабатларда танглик ва келишмовчиликлар келиб чиқмасин, десангиз, ўзингиздаги “мен”ни жиловлай билишни ўрганинг. Ўрни келганида, баъзан эса шароитга қараб ундан воз кеча олиш керак бўлади. Чунки ҳаётингиздаги фароғат ва кўнгил хотиржамлиги оддийгина нафсингизнинг хуружини ва васвасаларини даф қилиш имкониятидан кўра муҳимроқ ва қимматлироқдир.

Сизга Яратгандан руҳий хотиржамлик ва нафс қийноқларидан паноҳ тилаб,

Ҳикматуллоҳ отангиз.

ИСЛОМДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ БОЛА БОШИДАН...

ГЎДАК БОЛАЛАРНИНГ УЛҒАЙИШ ВАҚТЛАРИ АВВАЛИДА ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ОДОБ БЕРИШ ВА ХУЛҚЛАРИНИ ЧИРОЙЛИ ҚИЛИШ ЙЎЛЛАРИ БАЁНИ

Билингки, гўдакни тарбиялаш энг муҳим ва энг таъкидли ишлардандир. Гўдак ота-онасининг олдида омонатдир. Унинг покиза қалби ҳар бир нақш ва суратлардан холи, қимматбаҳо гавҳардир. У ҳар бир нақшни қабул қилувчи ва ҳар бир мойил этувчи нарсасига мойил бўлувчидир. Агар у яхшилиқка одатлантирилса, ўргатилса, шунга кўра улғаяди. Дунё ва охиратда бахтли бўлади. Унинг савобига ота-онаси, унга таълим берувчи, одоб ўргатувчиларнинг ҳаммаси шерик бўлади. Агар унга ёмонлик ўргатилса, чорвалар ташлаб қўйилгандек, ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бадбахт ва ҳалок бўлади. Гуноҳи уни бошқариб турувчи ва унга эгалик қилиб турувчиларга бўлади. Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Эй мўминлар, сизлар ўзларингизни ва аҳли-оилаларингизни дўзахдан сақлангизки, унинг ўтини одамлар ва тошдир» (Таҳрим сураси, 6-оят).

Модомики, ота фарзандини дунёдаги оловдан сақлар экан, уни охиратдаги оловдан ҳам сақлаши яхшироқдир. Бу сақлаш унга одоб бериш, уни поклаш, чиройли хулқларни ўргатиш, ёмон дўстлардан сақлаш, маишатпарастликка одатлантирмаслик билан бўлади. Яна зийнатни ва фаровон яшашни яхши кўрсатмайди, чунки у улғайганда зийнатни ва тўкин яшашни ахтариб, умрни беҳуда ўтказиб юборади. Натижада абадий ҳалокатга учрайди.

Демак, бошданок уни назорат қилиб туриш лозим бўлади. Унга энагалик қилиш ва эмизиш учун ҳалол ейдиган диндор аёлни ёллайди. Чунки ҳаромдан ҳосил бўлган сутда барака йўқ.




Агар гўдакнинг улғайиши ҳаром ейдиган аёлнинг қўлида бўлса, унинг табиати ифлос нарсаларга қоришиб, шундай нарсаларга мойил бўлиб қолади. Қачонки, бола нарсаларнинг фарқига боришни билса, уни янада яхшироқ назорат қилиш лозим бўлади. Фарқига боришнинг ибтидоси уялишнинг илк ҳолатлари зоҳир бўлишидир. Чунки у агар тортинчоқлик, ҳаё қилса ва баъзи ишларни ўзича тарк айласа, бу унинг ақл нури порлай бошлаганидандир. Шунда ўзича баъзи нарсаларни хунук ва баъзисини бошқасига тескари ҳолда кўриб, баъзи нарсадан уялиб, баъзисидан уялмайдиган бўлади. Бу эса унга Аллоҳдан ҳадя ва хулқларнинг мўътадил, қалблар софлигига далолат қиладиган бир башоратдир. У балоғатга етганида ақли комиллиги билан башорат қилингандир. Ҳаёли гўдак бефарқ ташлаб қўйилмайди. Балки ҳаёси ва фарқига бориши ёрдамида унга одоб беришга ҳаракат қилинади.

Болага энг аввал ғолиб келадиган сифатлардан бири таомга очкўзликдир. Унга таом тўғри-

сида одоб берилиши лозим. Таомни ўнг қўл билан олиш, олаётганда «Бисмиллаҳ...» айтиш, ўз олдидан ейиш, бошқалардан олдин таомга ошиқмаслик, таомга ва овқат еяётган кишига тикилиб турмаслик, ейишда шошмаслик, яхши чайнаш, луқмаларни кетма-кет олмаслик, қўлини ва кийимларини овқатга беламаслик, шунга ўхшаш одобларни ўргатиш лозим. Баъзи вақтларда ноннинг ўзини ейишга одатлантириш ҳам керак. Шунда албатта нонхуруш бўлиши керак, деган фикрга бормади. Кўп таом ейдиганларни чорваларга ўхшатиш билан, унинг олдида кўп овқат ейдиган гўдакларни ёмонлаш, оз ейдиганларини мақташ билан кўп таом ейишни ёмон кўрсатиш, унга ўзидан бошқа кишиларга овқат эҳсон қилишни ва бориға қаноат қилишни ўргатиш лозим. Яна ипакли ва рангли кийимлар эмас, балки оқ кийимлар унга яхши кўрсатилади. Унга бундай кийимлар аёллар ва хунаса кишилар кийими экани таъкидланади. Эраклар улардан ор қилиши кераклиги ҳам ўргатилади. Мана шу нарсани унга кўп такрорлаш керак. Гўдакнинг устида ипак ёки рангли кийим кўриб қолинса, уни инкор қилиш ва ёмонлаш керак. Бола маишатпарастлик, яхши яшаш, кўркем кийим кийишни одат қилган тенгдошларидан эҳтиёт қилинади. Яна шу нарсаларга қизиқтирадиган кишиларга қўшилишдан ҳам ҳимоя қилинади. Чунки гўдак улғайиши бошланган вақтда бепарво ташлаб қўйилса, кўп ҳолларда хулқ ёмон, ёлғончи, ҳасадгўй, ўғри, чақимчи, ўта ўжар, сергап, серкулги, ҳийлакор, ғоят ҳазилкаш бўлиб ўсади.

Ота-она болани мана шу (ёмон хулқ)ларнинг ҳаммасидан чиройли одоб бериш билан сақлайди. Сўнгра уни мактабда шуғуллантира-



ди. Бола ўз нафсига солиҳларнинг уруғларини экиши учун Қуръон таълим олади, ҳадисларни, яхшиларнинг ҳикояларини, уларнинг ҳолатларини таълим олади. Ишқ ва ишқ аҳли зикр қилинган шеърлардан, ёзган шеърлари гўзалликдан, табиатларининг мулойимлигидан, деб ўйлайдиган адибларга қўшилишдан уларни асрайдилар, чунки бу гўдаклар қалбига фасод уруғини экади. Агар гўдак болада чиройли хулқ ва мақтовли иш зоҳир бўлса, у икром қилинмоғи, уни хурсанд қиладиган нарсалардан мукофот берилмоғи, инсонлар олдида мақталмоғи лозим. Агар бола баъзи ҳолларда шунга бир марта хилоф қилса, бошқалар ўзини билмаганликка солмоғи, камчилигини очмаслиги керак. У қилган айб ишга бошқа кишининг ҳам журъат эта олиши унга билдирилмайди. Айниқса, бола айбини беркитса, уни билдирмасликка уринса, бошқалар ҳам шундай йўл тутгани билдирилмайди (бу ишни ҳамма ҳам қилиши мумкин, деган тасаввурга бормаслиги учун шундай қилинади). Чунки буни билиш эҳтимол унга жасорат бағишлар. Ҳатто кейинчалик айбининг очилиб кетишига парво қилмай қўяди. Мана шу ҳолда айбини иккинчи бор такрорласа, бошқа кишига билдирмасдан уни койиш ва жуда катта иш қилиб қўйдинг, дейиш лозим. Яна иккинчи бор бундай ишга қайтишдан сақлан, бундай қилаётганинг билиниб қолса, одамларнинг орасида шарманда бўласан, дейиш керак.

(“Ихёу улумид-дин”дан).



Юртимиз мустақил бўлганига йигирма уч йил, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига ҳам чорак асрча бўлиб қолди. Аммо кўпчилигимиз ҳамон эски тузумнинг қобиғидан чиқиб кета олмай, она тилимизга бефарқларча муносабатда бўлишдан воз кеча олганимиз йўқ. Бу нарса айниқса, кўча-кўйлардаги овоза (реклама) лавҳалари, ташкилот ва муассасалар тепасига ўрнатилган пешлавҳаларда кўзга ташланиб қолмоқда. Иш шунга бориб етдики, бирорта ҳам русийзабон одам яшамайдиган олис тоғ қишлоғида янги очилган дўкончанинг олдида «Мы открылись» деб ёзиб қўйишдан ҳам уялмаяпмиз. Ҳолбуки, бу жумланинг ўзбекчада «Биз иш бошладик» деган гўзал шакли бор.

Дўкон, тамаддихона ва устахоналарнинг тепасига ўрнатилаётган пешлавҳалар ҳам асосан ажнабий тилларда (ё инглизча, ё русча) ёзилапти. Гўёки бу жойлар фақат четэлликларга хизмат қиладигандай. Ишонмасангиз, шундоққина кўчага чиқинг-у турнақатор тизилган муассасаларнинг пешлавҳасини бир бошдан ўқиб чиқинг: «Мини маркет», «Бургер», «Петрол», «Обои», «Сантехника», «Лаваш центр», «Евродом», «Супер маркет», «Квартал», «Фитнес клуб», «Строймаркет», «Кафель», «Все для бассейна», «Ёлки-палки»,

«Жалюзи», «SALE ёки Скидки», «Аренда» ва ҳоказо ва ҳоказо. Бу рўйхатни яна истаганча давом эттириш мумкин.

Яқинда тажриба учун Кичик Халқа йўлининг Шимолий темирйўл бекатидан Жанубий темирйўл бекатигача бўлган беш-олти чақиримли қисмидаги ана шундай пешлавҳаларни ўрганиб чиқдим. Натижа жуда ачинарли: дўкон, тамаддихона ва устахоналарнинг аксарияти «ажнабийларга хизмат кўрсатишни» асосий мақсад қилиб олган экан. Ишонмасангиз,

мана уларнинг пешлавҳалари билан танишиб чиқинг: «Вулканизация», «Автомойка», «Аптека», «Колесо», «Оценка и бизнес план», «Быстрая автомойка», «Строймаркет», «Гурман», «Биг бургер», «Автоцентр», «Уйгурские блюда», «Автосервис», «Сазанчик-2», «Все для дома», «Циплята табака» ва ҳоказо. Эҳтимол, ўша муассасаларнинг раҳбарлари пешлавҳалардаги ёзувларнинг ўзбекчасини топа олмаган, деб ўйларсиз? Ваҳоланки, буларнинг ҳаммасини она тилимизда жуда чиройли қилиб берса бўлади. Масалан, «Вулканизация»нинг – «Балон ямаш», «Аптека»нинг – «Дорихона», «Автомойка»нинг – «Машина ювиш», «Гурман»нинг – «Шинаванда», «Уйгурские блюда»нинг – «Уйғур таомлари» деган таржималари бор-ку!

Устига-устак, жуда кўп фирма, хусусий корхона, масъулияти чекланган жамият ва компанияларнинг номларини инглизча ёки русча аташ ҳолати тобора урчиб борапти. Наҳот янги иш бошлаётган тадбиркор ва ишбилармонларимиз ўз фирмаларига ўзбекча бирор муносиб ном топишга қийналишаётган бўлса?! Фақат одамларимизда жиндай фаросат, озгина ҳафсала, ўз она тилига бироз муҳаббат етишмаяпти, холос. Бунинг устига улар Давлат тили тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўпол равишда бузаётганларини ўйлаб кўришяптимикин?

